ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

O'.K.U.F. F.T.U.U.

# Ishonch

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

*Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган*

2006 йил 17 октябр, сешанба № 168 (2217)

Ушбу сонда:

2 *Янги рукн: менда таклиф бор* УМР ЗАВОЛИ

3 БАҲОНИ ВАҚТ КЎРСАТАДИ

4 ОНА ТИЛИМИЗ МАВҚЕИГА ПУТУР ЕТМАСИН

# ТИНЧ-ОСОЙИШТА ҲАЁТНИ ҚАДРЛАШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ, МАМЛАКАТИМИЗНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РАВНАҚ ТОПТИРИШ – БАРЧАМИЗНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

## Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар! Ҳурматли депутатлар!

Бугунги сессия кун тартибига қўйилган асосий масалага ўтишдан олдин кейинги пайтда Андижон вилоятида вужудга келган аҳвол, мавжуд муаммо ва камчиликлар, уларнинг сабаб ва илдизлари ҳақида сизлар билан фикр алмашиб олсак, юзага келган вазиятни соғломлаштириш, ишимизнинг самарасини ошириш бўйича тегишли қарорларга келсак, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман.

Булар тўғрисида гапирар эканмиз, ҳаммамизнинг, айниқса, вилоят аҳлининг ҳаётида битмас яра бўлиб қолган ўтган йилнинг май ойидаги Андижон воқеалари ҳақида тўхталмасдан ўтолмаймиз.

Содир бўлган террорчилик ҳаракатлари иштирокчилари устидан олиб борилган тергов ишлари ва суд жараёнлари давомида кўп нарсалар аниқлангани, жиноятчилар қилмишига яраша қонуний жазо олгани ҳақида барчангиз хабардорсиз.

Халқаро экстремистик гуруҳлар томонидан пухта ўйлаб ташкил этилган бу ёвуз ҳаракатлар, авваламбор, тинч-осуда ҳаётимиз ва орамизни бузишга, Ўзбекистонни ўзининг мустақил йўлидан қайтаришга, юртимизда конституцион тузумни ағдариш, қандайдир «халифалик давлати»ни ўрнатишдек хомхаёлларни амалга оширишга қаратилгани бугун барчамизга аён.

Бугунги кунда ҳам минтақамизда, ён-атрофимизда сақланиб қолаётган мураккаб вазият, турли таҳдид ва хавф-хатарлар Андижон воқеаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш, улардан зарур сабоқ ва хулосалар чиқаришга, заминимизда яшайдиган барча инсонларни доимий огоҳликка даъват этаётганини унутмаслигимиз лозим.

Албатта, бу мудҳиш воқеалар ва уларнинг оқибатида кўпгина одамлар ҳалок бўлишининг тегишли сабаблари ва чуқур илдизлари борлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бу фожиани келтириб чиқарган сабаблар, жумладан, қўпорувчилик ҳаракатларининг четдан туриб ташкил этилгани, бунга узоқ тайёргарлик кўрилгани, катта маблағ ажратилгани ҳақида гапириш ва кўп-кўп далилларни келтириш мумкин. Бўлиб ўтган суд жараёнларида бу ҳақиқат тўлиқ ўз исботини топди ва халқимиз, жамоатчилигимиз бу масалани атрофлича англаб олди.

Лекин қалбларимизни ларзага солган бу фожиани яна ва яна бир бор кўз ўнгимиздан, юрагимиздан ўтказиб, қайғурар эканмиз, оғир бир савол беихтиёр барчамизни қийнайди: қандай бўлдики, ҳаммамиз, биринчи галда, вилоят раҳбарлари, мана шу юрт ҳаётига, унинг эртанги кунига масъул бўлган шахслар, депутатлар ва фаоллар остонамизга кириб келган бундай бало- қазодан ғофил қолдик?

Бу воқеаларга сабаб бўлган ҳолатлар ҳақида, масъулият ҳақида гапирганда, албатта, турли хулосаларга келишимиз мумкин. Авваламбор, шу масалага мутасадди, масъул ва жавобгар бўлган тегишли вазирлик ва идоралар - хавфсизлик хизмати, ҳуқуқ-тартибот ва милиция органлари ўз сезгирлиги ва ҳушёрлигини йўқотгани, ўз вақтида бундай ёвуз хуружларга тайёргарлик ҳаракатларининг олдини олиш ва бартараф этишда ўз куч ва имкониятларини кўрсата олмаганини афсус билан қайд этиш зарур.

Лекин, шу билан бирга, аввало шу заминда яшаётган халқнинг дарду ташвишларидан доимо хабардор бўлиб, кундалик ҳаётда учрайдиган норозилик ва эътирозлардан хулоса чиқариб, бир сўз билан айтганда, одамларнинг кайфияти ва интилишларини инобатга олган ҳолда сиёсат олиб бориш, аҳоли томонидан кўтарилаётган муаммоларни ечиш, агарки уларни ҳал қилиш қўлидан келмаса, бу масалаларни марказий ҳукумат олдига қўйиш ва охирига етказиш - бу кимнинг вазифаси?

Бу биринчи навбатда шу юртнинг тақдири ишониб топширилган вилоят раҳбарлари, авваламбор, вилоят ҳокимининг вазифаси эмасми?

Минг афсуски, вилоятда 2004 йилгача ишлаган собиқ ҳоким ва бугун шу лавозимда ўтирган С.Бегалиев ўз зиммасига юкланган ана шундай ўта масъулиятли вазифаларни уддалай олмади.

Бугун шу нарса тобора аён бўлмоқдаки, ўтган давр мобайнида вилоят ҳаётининг турли соҳаларида, айниқса ижтимоий соҳаларда жиддий ва қўпол хатоларга йўл қўйилган.

Вилоятда ким қандай яшаяпти, ҳар қайси оилада қанча одам ишлайди, қанчаси иш тополмаяпти, улар рўзғорини қандай тебратяпти - ҳаётнинг ўзи талаб қиладиган бундай ўткир саволларни кун тартибига қўйиш ва уларга жавоб топиш устида, афсуски, мутасадди раҳбарлар йиллар давомида бош қотирмасдан келган.

Иккинчи масала — эски совет давридаги тушунча ва қарашлар асосида хўжакўрсинга иш қилиш, кўзбўямачиликнинг авж олиши оқибатида вилоят раҳбарлари халқ ҳаётидан, реал воқеликдан узилиб қолди.

Бу ҳақда гапирганда, вилоятда кўпроқ рақам ва кўрсаткичларни биринчи ўринга қўйиш, уларни асосий дастак қилиб кўрсатиш, лекин бир қарашда юксак натижалар бўлиб кўринадиган бундай ҳолатлар ортида хўжаликларнинг молиявий аҳволи ёмонлашиб, уларнинг қарзга ботиб кетгани, энг асосийси, заҳматкаш деҳқон ўз пешона тери, оғир ва машаққатли меҳнати эвазига қанча даромад оляпти, деган ўта муҳим саволлар четда қолиб кетганини қандай баҳолаш мумкин?

Агарки, ҳоким фақат ўзининг ва уруғ-аймоқларининг манфаатларини кўзлаш, данғиллама уй қуриш, бойлик орттириш билан банд бўлиб, одамлар кўриб турган қинғир-қийшиқ ишларни худдики сезмасдан юрадиган бўлса, туман ва қишлоқларда кўпчиликни қийнайдиган муаммолар сурункасига ечилмасдан қолаверса, бунинг оқибатида жойларда норозилик пайдо бўлишини гўёки билмагандек юраверса, бундай номаъқул ҳолатлар бизнинг олиб бораётган сиёсатимизга қарши чиқадиган ғанимларимиз қўлига бамисоли қурол бериб қўйгандек бўлмайдими? Бунинг натижасида ҳокимиятнинг обрўсига путур етмайдими?

Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакат миқёсида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилаётган бир пайтда Андижонда ўз умрини ўтаб бўлган колхоз ва совхозларга хос эски бошқарув тизимини сақлаб қолишга уриниш, фермерлик ҳаракатига йўл бермаслик ҳолатлари давом этганини ҳеч нарса билан изоҳлаб ҳам, оқлаб ҳам бўлмайди.

Андижондек аҳоли ўта зич яшайдиган катта бир вилоят ҳаётини, унинг харажат ва даромадини ҳисоб-китоб қилиш, эртанги режаларни тузиш, яқин ва узоқ келажакда бу юртнинг истиқболи қандай бўлади, деб бош қотириш, кўпчиликни ана шундай мақсадлар сари сафарбар қилиш ишлари, минг афсуски, ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Шу борада кўп марта айтилган бир гапни яна такрорлашга тўғри келади. Ахир, ўзингиз ўйланг, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Андижонда ҳам ер кўпаймаса, сув кўпаймаса, аҳоли тез суръатлар билан ўсиб бораётган бўлса, ниманинг ҳисобидан тирикчилик қиламиз, ниманинг ҳисобидан одамларни боқамиз?

Бугун ҳаётнинг ўзи кескин қилиб ўртага қўяётган мана шундай ўткир саволларга жавоб излаш, ўз ерида меҳнат қилиш, ўзи ва оиласи учун даромад топиш мақсадида бутун имкониятларини, ақл-заковати ва куч-қувватини сарфлашга тайёр бўлган одамларга йўл очиб бериш ўрнига эски тизим, эски ишлаб чиқариш усулларидан ҳали-бери халос бўлолмаган, бизларга бўлаверади, деб, янгиликка, ислоҳотларга қарши турган раҳбарлар аслида умумий давлат сиёсатига қарши чиқаётганини ўзи англайдими, йўқми?

Вилоятда илдиз отган яна бир нохуш ҳолат борки, қанчалик аччиқ бўлмасин, бу ҳақда гапиришга мажбурмиз. Бу ерда билимли ва истеъдодли ёшларга, ташаббускор ва изланувчан, ўз мустақил фикрига эга бўлган кадрларнинг ўсиб- улғайишига йўл бермаслик билан боғлиқ кўп-кўп мисолларни келтириш мумкин.

Мана шундай ҳолатлар охир-оқибатда вилоятда маънавий муҳитнинг бузилишига, носоғлом қарашларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Вилоят, шаҳар ва туманларнинг раҳбарлари, мутасадди шахсларнинг аҳоли орасида бузғунчи ғояларни тарқатиш билан шуғулланган «Акромийлар», «Ҳизбут- таҳрир» каби зарарли оқимлар вакилларини кўриб-кўрмасликка олгани, бу масаладан ўзини қандайдир четга тортиб, уни фақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг иши деб қараб келгани ҳам буни тасдиқлайди.

Надоматлар бўлсинки, «Сен - менга тегма, мен - сенга тегмайман» деган ана шундай кайфият билан томошабин бўлиб яшаш қандай фожиали оқибатларга олиб келишини Андижон воқеалари мисолида ҳаммамиз кўрдик ва бунинг жабрини тортдик.

Қадрли юртдошлар!

Андижон вилоятида содир бўлган ана шу фожиали воқеалар оқибатини бартараф этиш, парокандаликка йўл қўймаслик, вилоятда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, олиб борилаётган ислоҳотларни давом эттириш мақсадида давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Бу борада айниқса «Андижон вилоятини 2005-2006 йилларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастури»нинг ҳаётга татбиқ этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, авваламбор, одамларнинг кундалик ҳаёти ва кайфиятига бевосита таъсир ўтказадиган соҳа ва тармоқлар ривожи билан боғлиқ баъзи бир рақамларни олиб келсак, ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Андижон вилояти бўйича электр тармоқларини ривожлантириш, таъмирлаш ва қайта қуриш борасида 2005 йилда ва жорий йилнинг 9 ойи давомида қўшимча равишда 470 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди.

Газ таъминотини яхшилаш бўйича 4,7 миллиард сўм, ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича жами 900 миллион сўм, йўл қурилиши ва кўприкларни капитал таъмирлаш учун 695 миллион сўм, чегара ҳудудларидаги уй-жойларни таъмирлаш, тартибга солиш бўйича 934 миллион сўм ҳажмида иш бажарилгани аҳолининг оғирини енгил қилиш, йиллар мобайнида ечилмасдан келган муаммоларни ҳал этиш масаласига катта ҳисса қўшди.

Энг муҳими, бу ишларнинг асосий қисми биринчи навбатда ушбу соҳалар учун масъул бўлган вазирликлар, хўжалик бирлашмалари ва компаниялар томонидан бажарилганини қайд этиш лозим.

Ҳозирги вақтда Андижон заминида истиқомат қилаётган қарийб 2 миллион 400 минг аҳолининг 55 фоизи, яъни ярмидан кўпи меҳнатга лаёқатли бўлиб, бу ўз навбатида одамларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Ўтган йили Андижон вилоятининг чегара ҳудудида жойлашган туманларидаги кам таъминланган оилаларда чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш учун аниқ мақсадли микрокредитлаш дастури қабул қилиниб, амалга оширилганидан ҳам, ўйлайманки, кўпчилигингиз хабардорсиз.

Ана шу дастур доирасида 2006 йилнинг бошида 4 мингдан зиёд оилага жами 2,5 миллиард сўмлик микрокредит берилди, 9 минг 300 та, жумладан, аёллар учун 4 минг 700 та янги иш ўрни ташкил этилди. Бу эса ўз навбатида аҳоли учун 1 миллиард 105 миллион сўм даромад олиш имконини берди.

Бу борада яна бир муҳим ҳукумат дастурини, яъни «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор бўйича амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш зарур.

Шуни айтиш керакки, бу қарор, биринчидан, кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш борасида янги имкониятлар туғдирмоқда.

Иккинчидан, хонадонлардаги ортиқча ишчи кучини меҳнат билан банд қилиш ва улар учун барча ишчи-хизматчилар қатори меҳнат дафтарчаси очиш, пенсия дафтарчасига эга бўлиш, пенсия бадалларини жамғариб бориш каби қонуний ҳуқуқлардан фойдаланишга кенг йўл очиб бермоқда.

**(Давоми 2-бетда)**

## *Муҳаррир минбари*







***Бир замонда, улуғ мақсадлар билан ягона маслак теварагида бирлашган иймон-эътиқодли инсонларни замондош дейдилар. Башарият тамаддунини ўрта асрнинг илк давридаёқ тараққиёт чўққисига бошлаб чиқиб, биринчи ўзбек ренесансининг яловбардорлари бўлган Маъмун академиясининг олимларини бир эсланг. Улар Беруний ва Ибн Сино каби Хизр назар солган буюк алломалар замондош бўлгани учун ҳам илм-фан соҳасида ўчмас из қолдирдилар.***

***Бизнинг ота-оналар, ҳозир ҳаёт бўлган жуда кўп инсонлар Ер юзи фашизм балосидан қандай халос бўлганини яхши билишади. Лекин дунёнинг катта қисмини чингизийлар зулмидан озод қилган, бу баробарида Европани муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолган озодлик ҳаракатининг қаҳрамони Амир Темур ва унинг замондошлари ҳақида мустақиллик туфайли энди эмин-эркин гапирилмоқда. Мирзо Улуғбек ва Али Қушчига сафдошу замондош олимларнинг жасоратли меҳнати тарихимиз уфқида ҳамон ёрқин юлдуз каби порлоқ нур сочиб турибди.***

***Ҳаёт Алишер Навоийга болалик чоғидаёқ тарихчи олим Шарофуддин Али Яздий билан учрашиш, аллома шоир Лутфийнинг эътирофига сазовор бўлиш, сўфийлар пири Сайид Ҳасан Ардашер сулукига кириш шарафини насиб этди. Бироқ, Алишер Навоий темурийлар салтанатини қарийб ярим аср якқалам этиб турган Ҳусайн Бойқарога дўст ва замондош бўлгани учун ҳам ўз давридан жуда баландга кўтарила олди.***

***Учинчи ўзбек ренесансини (Иккинчи ўзбек ренесанси шартли равишда Амир Темур, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоий даврини қамраб олади) бошлаб берган Абдулла Қодирий ва Чўлпонларнинг қисмати фожеали кечди. Бироқ, улар қон билан, жон билан йўғрилган озодлик учун кураш эстафетасини бизнинг замондошларга мерос қилиб қолдириб кетдилар.***

***Озодлик берилмас, балки олинур, деган эди туркий халқларни бирлаштириш учун толмас курашчи Исмоилбек Гаспирали. Буни биз кўриб, билиб, ўз бошимиздан ўтказиб турибмиз. Агар курашилмаганда, жасорат кўрсатилмаганида мустақиллигимизнинг бош муждаси бўлмиш ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш тушга айланиб қолар эди. Ҳали империянинг темир панжалари қонсираб турган бир пайтда, 1989 йил 20-21 октябрда Республика раҳбарининг Ўзбекистон парламенти Олий органи минбаридан туриб, «ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа туғдирмаслиги керак. Бу аҳолимиз кўпчилигининг талаби асосида аллақачон юз бериши лозим бўлган ҳодиса» дейишининг ўзи тарихий воқеа эди.***

# *Замондош*







***Шу ўринда Исмоилбек Гаспиралининг «Миллатнинг икки асоси бор: тил бирлиги, дин бирлиги. Миллатнинг ўзлигини йўқотиш учун шулардан биттасининг бузилиши кифоя» деган сўзлари ёдга тушади. Ўтган асрнинг 70-80 йилларида миллат шуурини чирмаб олаётган қуллик шарпаларига қарши «Ёзнинг ёлғиз ёдгори» қиссаси қаҳрамони тилидан ҳайқириқ бўлиб жаранглаган «эй бандам, мўмин бўлгину, лекин мутеъ бўлмагин деган эдим» сўзлари юқоридаги фикрга ҳамоҳангдир. Кўпчилигимиз атиги ўн беш йил бурун, бу ғоялар қачон рўёбга чиқар экан, деб орзу қилиб юрар эдик. Тарихан қисқа давр ичида жамиятни демократлаштириш, иқтисодни эркинлаштириш ва энг муҳими миллатнинг ўзлигини мустаҳкамлаш йўлида жуда катта ишлар қилинди. Руҳимиздаги қарамлик, мутеълик, боқимандалик узлатга чекина бошлади. 1994 йилда АҚШнинг йирик шаҳарларидан бирида ўтаётган нуфузли халқаро анжуманда асосий кўпчиликнинг Ўзбекистонни Афғонистону Покистон билан чалкаштириб юргани бизни ғоят ажаблантирган эди. Мана ҳозир Ўзбекистонни дунё танийди. Ҳали-ҳануз бу қадимий мамлакат яна кўпларнинг ҳавасини ва ҳасадини уйғотмоқда. Ғанимлар уни қора ниятлар, бойлик орттириш мақсадлари учрашадиган геополитик ҳудудга айлантиришга уринмоқдалар.***

***Дўстлик бор нарса. Ҳамкорлик, ўзаро шерикчилик билан халқлар, миллатлар дунё тамаддунидан муносиб ўрин эгаллайдилар. Бироқ, инсон табиатан муносиб дўст, яхши ҳамкор, қўлидан иш келадиган шерик топишга мойил бўлади. Миллий истиқлол ғоясидан тортиб, кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизациялаш ҳақидаги кенг миқёсли ҳаракат режасигача ҳаммаси халқимизни тенглар ичра тенг бўлишга, юртимизни тараққиётнинг донғил йўлига олиб чиқишга қаратилган.***

*(Газетамизнинг учинчи саҳифасида мустақилликни мустаҳкамлаш ишида фаол қатнашаётган фидойи замондошларимиз ҳақида ҳикоя қиламиз.)*

## *Кўрик-танлов*

# Лауреатликка номзодлар

***Бир неча йилдирки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан адабиёт, санъат ва бадиий ҳаваскорлик ижодиёти соҳасида «Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреати» учун «Ўзбекистон — Ватаним маним» шиори остида Республика кўрик-танлови ўтказиб келинади. Бундан асосий мақсад миллий қадриятларимизни эъзозлаш, тарихий анъаналар, урф-одатларни ёшлар онгига чуқурроқ сингдириш, халқимизнинг ўзига хос фазилатларини, бой маданият ва маънавиятини тарғиб этиш, ёшларнинг санъат ва адабиётга бўлган қизиқишларини ўстириш, уларни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳамда касаба уюшмаларининг жамиятдаги мавқеини кўтариш, меҳнаткашларни ижтимоий турмуш тарзини юксалтиришдаги фаолиятини кенг оммага етказишдан иборатдир.***

***Кўрик-танлов тўрт босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич барча ташкилот, корхона ва муассасаларда, иккинчи, учинчи босқичлар эса туман, шаҳар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ўтказилади.***

***Куни кеча мазкур кўрик-танловни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлди. Унда шу йилнинг 16-17 ноябр кунлари ўтказиладиган кўрик-танловнинг IV Республика босқичида қатнашувчи номзодлар рўйхати аниқланди. Шундай қилиб 50 нафар иштирокчи учта йўналиш бўйича номзодлар адабиёт (11 нафар), санъат (7 нафар) ва бадиий ҳаваскорлик (32 нафар) соҳасида ўз маҳоратларини намойиш этадилар.***

**Раимқул СУЯРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## *Ватан ҳимояси — муқаддас бурч*

# ЙИГИТ ҚАЛҚОН БЎЛСА...

Президентимиз 2006 йил 14 январда Ватан ҳимоячиларига йўллаган табригида шундай деган эди: «Эзгу орзу-умидлар билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган минглаб ёшлар учун армия сафларида хизмат қилиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда, ҳаёт йўлларини танлашда, олий маълумот, шу жумладан, ҳарбий маълумот олишда кенг имконият очиб бермоқда. Бугунги кунда айнан мана шу ёшлар мамлакатимизнинг фаол ва пухта тайёрланган захирасини, Ўзбекистон келажагининг таянчи ва суянчини ташкил этмоқда».

Бу сўзлар аскарлик мактабини ўтаб, турли ўқув юртларида таҳсил олаётган, ишлаб чиқаришда фаол қатнашаётган минглаб ёшларимиз ҳаётида ўз аксини топмоқда. Жумладан, андижонлик Мансур Маматқуловни ҳарбий хизмат тоблади. Тиришқоқлиги туфайли сержант унвонига сазовор бўлди. Унга олий ўқув юртига кириб ўқиши учун имтиёзли тавсиянома берилди.

Аскарлик шарафини улуғловчи бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин ва бу анъана эндиликда изчил давом этмоқда.

Ўзбекистон Президентининг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорига мувофиқ шу йилнинг октябр — ноябр ойларида хизматни ўтаб бўлган йигитлар уйларига қайтадилар.

Ҳали айтганимиздек, ҳарбий хизматда ўзини кўрсатган ёшларга имтиёзли тавсиянома берилади. Бу эса уларнинг олий ўқув юртларига киришида эътиборга олинади. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати олийгоҳларда шартнома асосида ўқийдиган собиқ аскарларнинг айримларига ўқув ҳақини тўлашга кўмаклашади. Бундан ташқари, аскар уйга қайтаркан унга 150 — 200 минг сўм атрофида моддий ёрдам кўрсатилади. Эсдалик учун чиройли ҳарбий либос кийдирилиб, туғилган жойига кузатилади.

Мазкур Қарорга асосан уларнинг ўринларини ёшлар эгаллайди. Шу кунларда мамлакатимизда навбатдаги чақирув ишлари бошлаб юборилган. Амалдаги қонунларга мувофиқ жойларда ташкилий ишлар намунали йўлга қўйилган. Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотларга мос равишда чақирилувчиларнинг соғлиги тиббий текширувларда синчиклаб ўрганилади. Интеллектуал салоҳияти ҳамда маънавий-руҳий жиҳатлари пухта текширилади. Жорий йилнинг баҳоридан барча чақирилувчилар хизматни ўташ жойига жўнаш чоғида Мудофаа вазирлиги томонидан ўзбек (кирилл ва лотин алифбосида) ва рус тилларида чоп этилган «Армия — ҳаёт мактаби» эслатмасини оладилар. Ундан армия хизмати тўғрисида йигитларни қизиқтириши мумкин бўлган саволларга жавоблар, жанговар тайёргарлик машғулотларида амал қилиниши шарт бўлган вазифалар ўрин олган.

Республика «Офицерлар (зобитлар) уйи»да бўлиб ўтган матбуот конференциясида ҳам шулар хусусида сўз юритилди. Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, полковник М. Аҳмедов ҳарбий хизматдаги аскарларга яратилган шароит, уларнинг маънавий оламини ва билимини бойитишда амалга оширилаётган ташкилий ишлар ҳақида сўзлаб берди. Шунингдек, полковник Б. Мирзамуҳамедов, подполковник И. Иноятов, ҳарбий прокурор ўринбосари С. Жўраев ва бошқалар журналистларнинг саволларига жавоб бердилар.

Йиғилиш пировардида республика илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси тақдим этган «Аскар хизматдан қайтди» фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

# ТИНЧ-ОСОЙИШТА ҲАЁТНИ ҚАДРЛАШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ, МАМЛАКАТИМИЗНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РАВНАҚ ТОПТИРИШ - БАРЧАМИЗНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

**(Боши 1-бетда)**

Бугунги кунда тўрт мучаси соғ, куч-ғайрати бор, энг муҳими, меҳнат қилишга иштиёқи ва интилиши бўлган одамларни иш билан таъминлаш масаласи ҳукуматнинг, барча бўғиндаги давлат идораларининг асосий вазифаси бўлиши керак. Биз амалга ошираётган дастурлар ва чора-тадбирлар аввало инсон манфаатларини таъминлашга қаратилиши зарур.

Ушбу қарорга мувофиқ, 4 минг 900 га яқин оилага қорамол сотиб олиш учун қарийб 3 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди. Шу билан бирга, жорий йилнинг 9 ойи давомида ҳомийлар ҳисобидан 3 минг 390 та кам таъминланган оилага бепул сигир тарқатилди.

Вилоятда аҳоли даромадларининг ўтган йилга нисбатан 30 фоизга, жон бошига олинган даромадлар миқдори эса 28 фоизга ўсганини одамлар ҳаётида бўлаётган ана шундай ижобий ўзгаришлар натижаси сифатида қабул қилишимиз керак.

Ўтган йили банклар томонидан вилоятдаги 40 та саноат корхонасига 3 миллиард 800 миллион сўм ва 8,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит берилгани, шу йилнинг 9 ойи мобайнида эса вилоятда жойлашган енгил саноат корхоналарига 6,6 миллион АҚШ доллари миқдорида кредитлар жалб қилингани янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга солишга хизмат қилди.

Шулар қаторида «Навоий» ва «Антекс» акциядорлик жамиятлари, «Инвесттекс», «Олтинкўл» ва «Булоқбоши хаулуд» қўшма корхоналарининг чет эл инвестициялари ҳисобидан ишга туширилиши вилоят иқтисодиётини ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

Буларнинг барчаси Андижондаги ишлаб чиқариш корхоналарини қўллаб- қувватлаш, шу тариқа одамларни иш ва доимий даромад манбаи билан таъминлаш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келаётганини кўрсатади.

Яна бир муҳим масала - ижтимоий тўловлар масаласини оладиган бўлсак, шу йилнинг олти ойида пенсионер ва ижтимоий нафақа олувчилар учун 62,6 миллиард сўм маблағ сарфлангани, вояга етмаган фарзандлари бор оилаларга 8,5 миллиард сўм, 2 ёшгача бўлган фарзанд тарбияси билан машғул оналарга эса 6,7 миллиард сўм нафақа тўланганини таъкидлаш лозим.

Аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган умумдавлат дастурларига мувофиқ вилоятда 2005 йилда 9 та даволаниш муассасаси ва 17 та қишлоқ врачлик пункти барпо этилгани тиббий хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш имконини бермоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда 15 та тиббиёт муассасасида капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари якунига етказилди, уларнинг 30 тасида эса бундай ишлар давом эттирилмоқда.

Айниқса, Андижон давлат тиббиёт институти шифохоналари Япония ҳукуматининг гранти асосида берилган 87 минг АҚШ доллари миқдоридаги замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан таъминланганини алоҳида эътиборга молик.

Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида вилоятда биргина жорий йилнинг ўзида 64 та мактаб капитал, 13 та мактаб эса жорий таъмирлангани, 8 та касб-ҳунар коллежининг фойдаланишга топширилгани ёшларимизнинг замонавий билим ва ҳунар эгаллаш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Албатта, бундай ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида кўп гапириш мумкин, лекин шу ўринда табиий бир савол туғилади: мавжуд социал-ижтимоий аҳволни яхшилаш ва тўпланиб қолган муаммоларни ечиш учун вилоят раҳбарияти томонидан нега ўз вақтида зарур чоралар кўрилмади? Нега шу аҳволга қараб, қўл қовуштириб ўтириш керак? Қани, айтинглар, мана шундай муҳим масалаларни ҳал қилиш учун кимдир тепадан туриб албатта туртки бериши, ҳайфсанлар билдириши ва раҳбарларнинг қулоғидан тортиб туриши керакми? Вилоятда бундай иш услубининг табиий ҳолга айланиб қолганига чидаш мумкинми ўзи?

Барчангизга яхши маълумки, вилоятнинг собиқ ҳокими Қ.Обидов вазифасидан озод қилинганидан кейин Андижон вилоятида униб-ўсган, кўпгина масъулиятли лавозимларда тажриба орттирган, жумладан, Тошкент вилоятида, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида раҳбарлик вазифаларида ишлаган Сайдулло Бегалиевга биз мавжуд муаммоларни ҳал қилишга билим ва тажрибаси етади, деб катта ишонч ва умид билдирган эдик.

Бу одам катта-кичик раҳбарлар ва жамоатчиликни ўз атрофида бирлаштиради, қатъият ва талабчанлик, керак бўлса, қаттиққўллик кўрсатади, бир сўз билан айтганда, вилоятдаги вазиятни тубдан ўзгартиради, турли-туман қинғир ва нопок ишларга барҳам беради, деб ишонч билдиришга асосимиз бор эди. Шуни ҳам айтиш керакки, янги раҳбарга бу йўлда керакли ёрдам, кўмак ва маслаҳат беришдан ҳеч ким четда тургани йўқ.

Лекин бугун бир ҳақиқатни очиқ айтишга мажбурмиз: С.Бегалиев бу лавозимга келиши билан вилоятдаги долзарб ижтимоий- иқтисодий муаммоларни ечиш бўйича бирон-бир амалий дастур ёки ташаббус билан чиққани йўқ.

Аксинча, у мавжуд аҳволни ўнглаш, вилоятда изланиш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини жонлантириш, бу соҳа вакилларини ҳар қандай зўравонлардан ҳимоялаш, одамларга ижобий таъсир ўтказиш масаласида заиф эканини кўрсатди.

Вилоятнинг собиқ раҳбарияти даврида шаклланган яроқсиз иш услубини ўзгартириш, маънавий муҳитни яхшилашга унинг қурби- қудрати, энг муҳими, талабчанлик ва қатъияти етмаганини бугун кўпгина мисолларда кўриш мумкин.

Шуни қайд этиш лозимки, С.Бегалиев вилоятга раҳбарлик қилган даврда илгариги хўжакўрсинлик, дабдабали рапортлар бериш, бўлаётган ишларни бўяб кўрсатиш, мақтанчоқлик ҳолатларига чек қўйиш ўрнига, ўзини яхши кўрсатиш учун сохта маълумотлар ва кўпиртирилган ахборотлар беришдек номақбул иш услуби давом эттирилди.

Бу одам лавозимга келганидан кейин орадан кўп ўтмай ён- атрофига ўзига содиқ ва тили бир бўлган, давлат ҳамёнини худдики ўзининг ҳамёни деб биладиган нопок шахсларни тўплаб, маҳаллийчилик ва қабилачиликка берилиб кетгани бугун ошкор бўлмоқда.

Прокуратура идоралари томонидан ўтказилган текшириш ва тергов ишлари натижасида Андижон шаҳрининг собиқ ҳокими А.Собиров, унинг қурилиш бўйича муовини А.Ҳамзаев, вилоят ҳокимининг қурилиш бўйича ўринбосари Э.Воҳидов - бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин - давлат ҳисобидан, авваламбор, уй-жой, лицей ва коллежлар қуриш, ижтимоий соҳа учун ажратилган маблағларни ўғирлаш ва талон-торож қилиш билан шуғуллангани аниқланди. Ва бу шахслар қилмишига яраша жиноий жавобгарликка тортилиб, тегишли жазосини олди.

Бундай қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлар бўйича прокуратура идоралари томонидан суриштирув ва тергов ишлари давом эттирилмоқда.

Ана шундай номаъқул ишлар қаторида ҳали аниқлик киритиш зарур бўлган, ҳеч қандай ақлга сиғмайдиган кирдикорлар, яъни Андижон шаҳри ва Олтинкўл туманида вилоят раҳбари учун давлат ҳисобиданданғиллама шахсий уйлар қуриш ва бошқа турли бемаза ишларга ҳам қонуний баҳо берилиши кутилмоқда.

Андижон воқеалари таҳлили ҳам шуни кўрсатмоқдаки, бу жиноий хатти- ҳаракатларда қатнашганларнинг аксарияти ғўр, ҳаёт тажрибаси етарли бўлмаган адашган ёшлардир. Вилоятда уларнинг муаммолари билан қизиқиш, очиқ мулоқот қилиб юрагига етиб бориш, қандай кун кечираётгани, эртанги келажаги тўғрисида қайғуриш бўйича етарлича иш олиб борилмаган. Аксинча, мана шу муҳим масалаларга масъул раҳбарлар эса фақат ўз манфаатини ўйлаб, етти пуштига етадиган бойлик ва мол-дунё тўплашга берилиб кетган. Бундай раҳбарлар етказган моддий зарар ҳақида рақамларни келтириш мумкин, лекин уларнинг халқимизга етказган маънавий зарарини нима билан ўлчаб бўлади?! Бундай кимсалар бир нарсада қаттиқ янглишади, яъни ўзларининг кирдикорларини оддий одамлар, эл-юрт билмайди, деб ўйлайди. Ваҳоланки, одамлар ҳаммасини билади, аммо ўзбекчилик, андиша, юз-хотир деган гаплар бор. Ана шундай тушунчаларни суиистеъмол қилиш одамларга нисбатан хиёнат эмасми?!

Вилоятдаги бюджет ташкилотлари ва муассасаларида ўтказилган тафтиш ва текширишлар натижасида 1,2 миллиард сўмлик бюджет маблағининг қонунга хилоф равишда сарфланганини аниқлангани ҳам мана шундай масъулиятсизлик оқибатидир.

Вилоят иқтисодиётидаги етакчи тармоқ бўлмиш қишлоқ хўжалигини оладиган бўлсак, бу борадаги ишларнинг аҳволи ҳам талабга жавоб бермайди.

Маълумки, жорий йилда ҳукумат томонидан вилоят хўжаликлари учун етарли миқдордаги сифатли уруғлик, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит, техника воситалари ва бошқа ресурслар шартнома асосида ўз вақтида етказиб берилди.

Энг муҳими, Яратганимизга минг бора шукрона айтишимиз керак - бу йил ҳам биздан ўз марҳаматини дариғ тутмади. Мана, ҳатто табиий шароити энг мураккаб бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро вилояти каби минтақаларимизда ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасида ижобий натижаларга эришилмоқда.

Лекин, минг афсуски, ер ва сув шароити, коммуникациялар, табиий ва меҳнат ресурслари нуқтаи назаридан катта имконият ва устунликка эга бўлган Андижон вилоятида эса, ҳукумат томонидан барча зарур шароитлар яратиб берилаётганига қарамасдан, бу борада ижобий ўзгаришлар сезилмаяпти.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг аксарият вилоят ва туманлари ўз шартнома режаларини ошириб бажараётган бир пайтда Андижон вилоятида пахта йиғим-терим суръати кундан-кунга пасайиб бораётгани, вилоятнинг ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариши хавф остида қолаётгани жиддий хавотирлик уйғотмоқда.

Афсуски, бундай ачинарли ҳолат бу ерда кейинги икки йилдан буён сурункали тус олмоқда. Ўтган йили вилоят бўйича 225 та хўжалик томонидан шартнома режасининг бажарилмаслиги оқибатида давлатга 44 минг 827 тонна пахта хомашёси етказиб берилмади, 11,5 миллиард сўм ҳажмидаги даромад бой берилди. Бошқача айтганда, хўжаликлар, умид билан меҳнат қилган одамлар шунча бойликдан маҳрум бўлди.

Бундай оқсоқлик ғаллачилик соҳасида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Буни ўтган йили 3 минг 530 та хўжаликдан 184 таси томонидан шартнома режаси бажарилмагани, бунинг натижасида 7 минг тонна дон кам етказиб берилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жорий йилда эса 5 минг 91 та хўжаликдан 940 таси шартнома режасини бажармагани туфайли давлатга 13 минг 620 тонна дон кам етказиб берилди.

Ишга эскича ёндашув, одамларда ерга ва мулкка эгалик ҳиссиёти, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғусини уйғота олмаслик натижасида вилоятда фермерларнинг ялпи ҳосил миқдоридаги улуши республика бўйича энг паст даражани, яъни ғаллачилик бўйича 56 фоиз, пахтачилик бўйича эса 65 фоизни ташкил этмоқда. Қани, айтинглар-чи, Асака, Улуғнор ва Пахтаобод туманлари мисолида фермерлар ҳаракатини ривожлантириш қандай сезиларли натижалар бериши вилоят раҳбариятини ҳеч нарсага ўргатмадими?

Республика ҳукумати, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан Андижон вилоятидаги ижтимоий масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш бўйича кўрсатилаётган доимий эътибор ва ёрдамга қарамасдан, бу соҳада ҳам талай камчилик ва нуқсонлар мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Айниқса, уй-жой фондларининг иссиқлик ва ичимлик суви билан етарлича таъминланмаётгани, аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилмаётгани, газ тармоқларига ноқонуний равишда уланиш ҳолатларининг ортиб бораётгани аҳолида ҳақли эътироз уйғотмоқда.

Оқибатда табиий газ ва электр энергияси учун тўловларни ундиришда жиддий муаммолар пайдо бўлмоқда. 2006 йил давомида шаҳар ва туман тармоқларида истеъмол қилинган 15,6 миллиард сўмлик газ учун тўловларнинг атиги 48 фоизи ундирилгани ҳам бу фикрни исботлайди.

Бундай салбий мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин.

Албатта, давлатимиз, ҳукуматимиз бундан буён ҳам барча ҳудуд ва минтақаларимиз қатори Андижон вилоятига ҳам зарур ёрдам ва кўмак кўрсатишда давом этади. Лекин, шу билан бирга, вилоятнинг ўзида ҳам ҳаракат, интилиш бўлиши керакми-йўқми?

Ахир, Яратганимиз ҳам, сендан - ҳаракат, мендан - баракат, деб ўз бандаларини интилиш билан яшашга даъват этиши бежиз эмас- ку. Аввало, эл-юртга етакчи бўлган, шу масъулиятни зиммасига олган раҳбарлар ана шундай янгиликка интилиш, изланиш ҳаракатларига бош бўлиши, ибрат кўрсатиши шарт.

Аммо афсус билан такрор айтишга тўғри келадики, Андижон вилоятидаги аҳвол бундай хулосалар чиқаришга асос бермайди.

Бугунги замонавий талабларга жавоб бера олмаслигини, ўз фаолиятида йўл қўйган хато ва нуқсонларни тан олиб, бундай масъулиятли вазифани бажаришга ўзининг заиф эканини тушуниб С.Бегалиев эгаллаб турган вазифасидан озод қилишни сўраб, ариза билан мурожаат қилди.

Сиз, ҳурматли депутатлардан ана шу масала бўйича ўз муносабатингизни билдиришингизни сўрайман.

Энди сизлар билан вилоятнинг янги раҳбарини тайинлаш масаласига ўтишимиз лозим.

Очиғини айтадиган бўлсак, бу масала бугунги кунда Андижон вилояти шароитида ўта оғир ва мураккаб, масъулиятли ва нозик муаммога айланганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Андижон воҳаси ҳақида, унинг кўҳна тарихи, бу гўзал юртда қандай ажойиб инсонлар яшаётгани, улар ўзининг ғурури ва қадр-қимматини нақадар юксак тутиши ҳақида мен илгари ҳам кўп гапирганман.

Барчамиз яхши тушунамизки, Парвардигоримизнинг ўзи ҳар қайси инсон, ҳар қайси элга ўзига хос ақл-идрок, куч ва қудрат, хусусият ва аломатларни ато этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бошқа вилоятларимизни камситмаган ҳолда, Андижон халқи ўзининг азму шижоати, янгиликка интилиши, тадбиркорлиги билан ҳамиша ажралиб туради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бу қадимий заминда кўпни кўрган, ўзига, ўзининг кучи ва салоҳиятига ишонган, меҳнаткаш, ор-номусли одамлар яшайди. Андижон эли ўзининг қандай буюк зотларнинг авлоди эканини, қандай бебаҳо мерос соҳиби эканини яхши англайди. Бу замин дунёга Бобур Мирзо, Чўлпон каби улуғ инсонларни бергани билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз.

Бугун мен сиз, ҳурматли Андижон аҳли вакиллари билан рўпара бўлиб, хаёлан ўтган йили содир бўлган воқеаларга қайтиб бир фикрни очиқ айтишим зарур: бошимизга оғир мусибат ва офат тушган 13 май куни тонг саҳарда мен Андижонга етиб келиб, ярим кечага қадар сизлар билан бирга бўлиб, бу мудҳиш фожиаларни бартараф этиш бўйича биргаликда ҳаракат қилдик.

Энг муҳими, Андижон аэропортига қадам қўйишим билан мен биринчи бўлиб ким билан учрашишни сўрадим? Аввало, маҳалла оқсоқоллари, Андижон фахрийлари, эл-юрт кайвонилари билан. Улар билан учрашиб, мана шундай оғир ва ҳал қилувчи дамда ҳар томонлама маслаҳатлашиб, фикрлашиб олганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун орадан шунча вақт ўтиб, кўп нарса очилганидан кейин яна бир карра чуқур ҳис этмоқдаман.

Мен ўшанда оқсоқолларга мурожаат қилиб, боринглар, уйларга, маҳаллаларга киринглар, масжидларга боринглар, Андижоннинг обрўли одамлари, имом-хатиблар билан учрашинглар, уларга бу воқеаларнинг сабабларини, террорчиларнинг ғаразли мақсадларини, агарки бу офатнинг олдини олмасак, қанча-қанча бегуноҳ одамлар ҳалок бўлиши, нафақат Андижон шаҳри, бутун водий портлаб кетиши муқаррарлигини тушунтириб беринглар, деб илтимос қилганим ҳозиргидек эсимда.

Сизларнинг эрталабдан шу ишга киришиб, халқ ичига кириб, одамларнинг юрагига етиб борганингиз, Андижон эли ўзининг ақл- заковатини ва иймон- эътиқодини ишга солиб оёққа тургани натижасида жангари тўдалар, ақлини йўқотган кимсалар ўз ёвуз мақсадига эриша олмади - Андижон халқи уларга эргашмади.

Мен, шу фурсатдан фойдаланиб, эл бошига иш тушган ана шундай оғир синов дамларида вилоят аҳлининг ўз мардлиги, иродаси ва қатъиятини кўрсатиб, ўз юртига содиқ бўлиб қаттиқ тургани учун бутун Андижон аҳлига таъзим қиламан.

Ҳурматли дўстлар! Бугунги сессия кун тартибига қўйилган масала тўғрисида, яъни Андижон вилоятининг янги раҳбарини тайинлаш ҳақида сўз юритар эканмиз, қандай оғир бўлмасин, мана шу охирги йилларда вилоят собиқ ҳокимларининг қилмишлари, нопок ишларини эслаб, кўз ўнгимиздан ўтказиб, зарур сабоқ ва хулоса чиқаришни ҳаётнинг ўзи биздан талаб қилади.

Нега деганда, бу мураккаб масалани ечмоқчи эканмиз, унга ўта жиддий қараб, имкон борича бошқа адашишга йўл қўймаслигимиз, етти ўлчаб, бир кесишимизни бугунги таҳликали даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу масалада - очиқ айтишим керак - С.Бегалиевнинг қатъиятсиз ва заифлиги кўпдан бери маълум бўлган бўлса-да, Андижон вилоятини бошқаришга қурби етадиган, юзимизни ерга қаратмайдиган муносиб раҳбар топиш учун қанча-қанча номзодларни ўрганишга тўғри келди.

Андижон вилоятидаги бугунги вазиятни холисона баҳолаган ҳолда, авваламбор, шу юртда яшаётган одамларни рози қилиш, тинч ва осойишта ҳаётни асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш учун вилоят олдида турган оғир ва масъулиятли вазифаларни ўз зиммасига олишга қодир бўлган раҳбарни танлаш кераклигини ҳаммамиз яхши ҳис қиламиз, албатта.

Юқорида билдирилган барча фикрларни инобатга олиб, сиз, ҳурматли халқ ноиблари олдида бу лавозимга бугунги кунда Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаб келаётган Аҳмад Усмонов номзодини тавсия этишга қарор қилдик.

Агарки, бу номзоднинг таржимаи ҳоли ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, у 1957 йили Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманида туғилган. 1981 йили Самарқанд давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган.

Ўз фаолиятини оддий ҳуқуқшунос-маслаҳатчи вазифасидан бошлаб, ҳуқуқ-тартибот идораларида ишлаган, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида масъул лавозимларда фаолият кўрсатган, 2003-2004 йиллар мобайнида ички ишлар вазирининг ўринбосари вазифасида хизмат қилган.

Кейинги икки йилдан буён у Наманган вилоятида ички ишлар бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда.

А.Усмонов ўзининг ишга масъулият билан қараши, қатъияти, энг муҳими, оддий одамларнинг тили ва дили, дарду ташвишларини тушуниши билан алоҳида ажралиб туришини айтиш лозим.

У турли вилоятларда ишлаган пайтида қишлоқ хўжалиги соҳаси билан ҳам таниш бўлиб, деҳқончиликнинг сирларини ўрганиб, меҳнаткашлар ҳаётини яқиндан билиш учун астойдил ҳаракат қилиб, анча тажриба орттиргани ҳам бизга маълум.

Энг асосийси, Андижонда кўпгина соҳаларда мавжуд бўлган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳали-бери ечилмасдан келаётган муаммоларни ҳал этиш учун бу инсоннинг билими ва тажрибаси, салоҳияти ва қатъияти етарли, деган фикр билан А.Усмоновни ушбу масъул вазифа - Андижон вилояти ҳокими лавозимига тавсия этмоқчиман.

Сиз, ҳурматли халқ ноибларининг бу номзод бўйича ўз муносабатингизни билдиришингизни сўрайман.

Азиз дўстлар! Бугунги кунда бутун халқимиз каби Андижон аҳлининг ҳам онгу тафаккури, дунёқараши тубдан ўзгармоқда. Улар энди оқ билан қоранинг фарқини, баландпарвоз гаплар нимаю амалий иш нима эканини жуда яхши билади.

Энг муҳими, бугун Андижон заминида ҳам катта орзу-умидлар билан янги авлод ҳаётга кириб келмоқда. Уларнинг муносиб вакиллари, улар эришаётган дастлабки умидбахш ютуқларни ҳаётимизнинг кўплаб жабҳаларида кўриш мумкин ва бу барчамизга катта қувонч ва мамнуният бағишлайди.

Ўзингиз айтинг, Андижонда барпо этилган ўнлаб академик лицей ва коллежларда замонавий илм-ҳунарларни, иккита-учталаб хорижий тилларни, компьютер технологияларини эгаллаётган, озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олаётган фарзандларимизни «халифалик» деган таги пуч, ёлғон гаплар билан алдаб, онгини ўзгартириб бўладими?

Ҳаммангиз гувоҳсиз - истиқлол шарофати билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, жумладан, диний эътиқод эркинлигини таъминлаш борасида жуда катта амалий ишлар қилинди ва қилинмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, неча йиллар давомида тақиқлаб келинган дину диёнатимиз тикланганини таъкидлаш лозим. Буни, узоққа бормасдан, мана шу Андижон вилоятида ҳозирги кунда 181 та масжид фаолият олиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳолбуки, шўро даврида уларнинг сони бор-йўғи 12 тани ташкил қилар эди.

Ўйлайманки, мана шу биргина рақамнинг ўзи ҳам кўп нарсани англатади.

Минг шукурки, бугун халқимизнинг асрий орзу-армонлари ушалиб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, озод ва эркин ҳаёт кечиряпмиз, миллий урф-одатларимиз, тилимиз, динимизга, эътиқод эркинлигига ҳеч ким дахл қилаётгани йўқ.

Мана шундай тинч, осуда ва мазмунли ҳаётимизнинг қадрига етиш, мамлакатимизни ҳар томонлама равнақ топтириш учун, фарзандларимизнинг бахтли келажаги учун белимизни маҳкам боғлаб меҳнат қилиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Шу борада ҳозирги кунда олдимизда турган катта мақсад ва вазифаларни амалга ошириш фақат ва фақат ўзимизга, ўз ақл-заковатимиз ва куч-ғайратимизга боғлиқ эканини ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Такрор айтмоқчиман - ҳаммамиз учун буюк бойлик бўлган тинчлик ва осойишталикни асраш, доимо огоҳ бўлиб яшаш бугунги таҳликали замонда қандай муҳим аҳамият касб этаётганини сизларга тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Бу йўлда авваламбор эл-юртнинг тақдири учун жавобгар бўлган катта-кичик раҳбарлар, депутатлар ва фаоллар фидойилик ва курашчанлик намунасини кўрсатиши керак.

Ана шундай мураккаб ва кескин бир даврда ўз-ўзимизга, биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз, деган саволни бериб, ҳаётий позициямизни аниқ белгилаб олишимиз, ўз юртимизни ўзимиз ҳимоя қилиб яшашимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман.

Ҳеч қачон унутмайликки, биз - темурийлар, бобурийлар авлодимиз. Бу авлод ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмаган ва қарам бўлмайди, кимнингдир ишораси, кўрсатмасига қараб ўз ҳаётини қурмайди.

Ишончим комилки, тарихда кўп-кўп синов ва машаққатларни кўрган, мард ва танти Андижон аҳли бўлиб ўтган воқеалардан зарур сабоқ ва хулосалар чиқарган ҳолда, вилоятнинг янги раҳбари атрофида бирлашиб, ўз олдида турган улкан вазифаларни адо этиш учун сидқидилдан меҳнат қилади, мана шу ҳар қаричи муқаддас бўлган заминнинг тинчлиги ва осойишталигини кўз қорачиғидек асраб яшайди.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

---

*● Менда таклиф бор*

***“Ишонч” газетасининг шу йил 22 июн сонида профессор К.Норматов ва доцент Х.Эргашевнинг “Кашандалик — умр эгови” сарлавҳали мақоласини ўқиб, менда ҳам ўз фикрларимни баён этиш истаги туғилди.***

# УМР ЗАВОЛИ

Ёшлар ўртасида ҳаётга енгил муносабатда бўладиган, дунёқараши тор ва юзаки фикрлайдиганлари ҳам, афсуски, йўқ эмас. Уларнинг ишлаб чиқарилаётган енгил-елпи фильмларни томоша қилиш, туғилган кунларини тантанали тарзда нишонлаш, сигарета чекиш каби машғулотларга берилиб кетишгани кишини ташвишга солади. Наҳотки, буни маҳалла-кўй, ота-она ва мураббийлар кўришмаётган бўлса?

Бугун ёшлар орасида сигарет чекиш урф бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Улар назарида кўкка ўрлаётган тутун танга роҳат бағишлайди: ҳалқа-ҳалқа, бирин-кетин, узлуксиз... Гўё кучларига куч қўшилгандек. Баъзилари эса нега чекаётганларини билишмайди ҳам. Бозор иқтисодиётининг моҳиятини ҳаммадан яхши англаган тижоратчилар эса уларга хоҳлаган сигаретларни топиб беришади. Фақат пулига чидасангиз бўлгани.

Аслида сигарета чекиш зарарли одатларга мойилликдан бошқа нарса эмас. Зеро, чекиш нафақат соғлиқ, балки чўнтакка ҳам кони зиён эканлигини кашанда яхши билади.

Дейлик, сигарет учун бир йилда бир кашанда сал кам 55 минг сўм сарф қилади. Бундан кимга фойда-ю, кимга зарар? Ушбу пулнинг ярми 50-55 та бадиий китоб учун, қолгани кинотеатр, музей ва шу каби маданий дам олиш ўчоқларига боришга сарфланса, минг марта яхши эмасмиди?

Вилоятимизда бир неча йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган “Ёш авлод кенгаши” депутатлари вақти-вақти билан маҳаллаларда, турли муассаса ва мактабларда бўлишиб, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция принциплари, чекишга қарши кураш, йодланмаган тузни истеъмол қилмаслик каби бир қатор мавзуларда суҳбатлар ўтказиб келишяпти. “Ёш авлод кенгаши” депутатларининг жойларда уюштираётган тадбирларини ҳатто ЮНИСЕФ ташкилоти вакиллари ҳам маъқуллашди.

Яқинда ёш депутатлардан Азиз Ҳайдаров, Талъат Пўлатов ва Тоҳир Тошматовларнинг Ғаллаорол туманидаги А.Икромов номли 44-мактабда “Келажак авлод” ва “Ниҳол” клублари билан уюштирган тадбирлари ғоят қизиқарли бўлди. Шунингдек, ногирон ва кам таъминланганлар уйи, “Олимлар” ҳамда “Бахт” маҳаллаларидаги учрашувлар ҳам мароқли ўтди. Вилоят тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатида очилган кўргазма эса ўқувчиларнинг асримиз вабоси — гиёҳвандлик ва кашандаликка қарши эканлигини кўрсатди. Ёш рассомлар чекишнинг зарарли оқибатлари акс эттирилган расм ва плакатлари билан умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшишди.

Атоқли ёзувчи Л.Толстойнинг “Мен сигарет чекканман, кейин чекишни ташладим, одамлар бу ярамас нарсани қандай қилиб оғизларига олишади, ақлим етмайди” деган фикрларини бир ёдга олайлик-а. Хулоса битта: инсоният умрини хазон қиладиган аччиқ тутундан халос бўлиши керак!

**Турғун МУХТОРОВ,**
**Ғаллаорол туманидаги 3-иқтидорли болалар интернат-лицейи ўқувчиси, “Ёш авлод кенгаши” депутати**

---

*● Қонун барчага баробар*

# СОХТА ТАДБИРКОРЛАР

***Мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланаётган фуқароларга ҳар томонлама шароит яратиб берилган. Юртбошимизнинг ўтган йили эълон қилинган қатор Фармон ва қарорлари ҳам буни тасдиқлаб турибди. Уларда ишбилармонларга кўплаб имтиёзлар берилган. Бу эса ўз навбатида туманимизда кичик корхона, фирма, якка тадбиркорларнинг фаоллашувига олиб келди. Улар туман иқтисодини юксалтиришга ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.***

Бўлимимиз вазифаси эса ана шу ишбилармонларни тадбиркорлик тўғрисидаги қонун, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида ишлашини таъминлашдир. Яъни уларнинг ҳуқуқий саводини оширишдир. Чунки баъзи тадбиркорлар ҳуқуқий саводи камлиги туфайли ҳар хил муаммоларга учрашмоқда.

«Чорсу» бозоридаги ишбилармонлар билан бўлиб ўтган мулоқот ана шу мавзуга бағишланди. Тадбиркорлар амалдаги қонунлар билан таништирилди. Уларга акциз маркалари бўлмаган алкогол ва тамаки маҳсулотларини сотиш, савдодан тушган нақд пулларни назорат-касса машиналарига киритмаслик ва банкка топширмаслик каби ҳолатлар жиноий ва маъмурий иш қўзғатилишига сабаб бўлиши ҳақида гапириб берилди.

Ана шундай учрашувлар, суҳбатлар маҳалла ва бошқа жойларда ҳам ўтказилмоқда. Бу эса ўз самарасини бермоқда. Масалан, тадбиркорлар томонидан қонунбузилишларга йўл қўйиш анча камайди. Муҳими, уларнинг ҳуқуқий билимлари ошди. Туманда иқтисодий кўрсаткич юксалиб бораяпти.

Шунга қарамасдан, баъзи сохта тадбиркорлар амалдаги қонунларни четлаб ўтиб, мўмай даромад топишга ҳаракат қилишмоқда. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун бунга бир неча мисоллар келтирсак.

Яқинда ўтказилган тадбирларнинг натижасида бир неча тадбиркорлар ғайриқонуний иш юритганлари маълум бўлди. Х. Ғаниев ва Ж. Турсоатовлар шулар жумласидандир. Улар ўзаро тил бириктириб 3000 АҚШ долларини қонунга хилоф равишда ўтказиш билан шуғулланганлар. Оқибатда сохта ишбилармонларга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли бандлари қўлланилиб, жиноий иш қўзғатилди. Фуқаро А. Файзиев эса ноқонуний равишда 1200 АҚШ долларини 1 миллион 497,6 минг сўмга пуллаётганида қўлга олинди.

Хусусий тадбиркор А. Тўлаганов текшириш вақтида сотиб олинган 5 миллион 915,4 минг сўмлик маҳсулотига ҳеч қандай ҳужжат кўрсата олмади. Устига-устак у савдо қилган 81 минг 200 сўм маблағни назорат-касса машинасига киритмаган. Ушбу ҳолат юзасидан ҳам жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб бориш учун туман прокуратурасига юборилди.

Хуллас, қонунни четлаб ўтишга ҳаракат қилаётган ишбилармонлар учраб турибди. Бўлимимиз ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда бунинг олдини олишга ҳаракат қилишмоқда.

**Марат ЖАЛИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖ ва ЖДЛҚК департаменти Тошкент шаҳар бошқармасининг Шайхонтоҳур туман бўлими катта инспектори**

# Сизни улуғлаймиз, донгдор замондош



## Ўзбекистон Қаҳрамонлари

# МАҚСАДГА ЭРИШГАНИМДАН БАХТИЁРМАН

## дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, ЎзРФА мухбир аъзоси, академик Малика Абдуллахўжаева

***Бу аёлнинг истараси иссиқ, юзу кўзидан нур ёғилиб туради. Ҳамкасабаларнинг айтишича, ниҳоятда камтар, одамохун! Опа билан суҳбатлашайтиб, йирик мутафаккир Абдулла Авлонийнинг ҳикматли сўзлари хаёлимдан ўтди:***

***«Бутун ҳаётимиз, саломатлигимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғлиқ. Олим кишилар ҳар ерда азиз ва ҳурматлидирлар».***

Ўзбек халқи не-не улуғ алломаи замонларни дунёга берган. Агар тарихга назар ташласак, жаҳон цивилизациясига кучли таъсир кўрсатган алломаларнинг аксарияти кўҳна Шарқда — Мовароуннаҳр тупроғида улғайиб камол топган. Донишмандлар уйи деб ном олган Маъмун Академияси ҳам минг йиллар аввал бизнинг мамлакатимизда бунёд этилган. Кўплаб олим ва олималаримиз бугунга қадар ўзларининг ҳайратомуз кашфиётлари билан Ўзбекистон номини дунёга танитмоқда. Малика Абдуллахўжаева ҳам ана шуларнинг бири. У Ўзбекистон Қаҳрамони, хизмат кўрсатган фан арбоби, ЎзРФА мухбир аъзоси, академик, айни вақтда эса Республика Паталогик анатомия Маркази директори. Малика Саматовна 11 та монография, 250 дан ортиқ илмий мақолалар ва дарсликлар муаллифи, юзлаб ёш олимлар мураббийси ҳамдир.

— Мен тиббиёт фанлари доктори бўлган чоғларимда жуссам кичкина, вазним атиги қирқ икки килограмм эди, — дея суҳбатни бошлайди олима. — Кўпинча масъул идораларга кириб бораётсам, навбатчилар «ҳой тўхтанг, қаёққа» деб йўлимни тўсишарди. Шунда бошлиқ эшигини катта очиб, «ўтказиб юборинглар, у таниқли профессор» дегандан сўнггина ичкарига кирардим.

— Мен илм йўлидан бордим, шу йўлда заҳмат чекдим. Ниятим фақат тиббиёт илмининг тараққиётига ва жамият ривожига хизмат қилишдан иборат эди. Умрим давомида мақсад сари дадил бораверди́м. Айни шу кунларда юртимизнинг ҳамма бурчакларидан шогирдларим мени қайта-қайта қутламоқда. Бу ҳолат мени янада суюнтирмоқда. Демак, эл-юртга наф келтирадиган ишлар қилибман.

Олиманинг болалик даври оғир йилларга тўғри келган. Қатағон, уруш, қаҳатчилик пайтлари бўлишига қарамасдан Абдусамат ва Муқаддам Абдуллахўжаевлар хонадонида уч фарзанд — Ҳужума, Малика, Маратлар илмли, салоҳиятли бўлиб улғайишди. «Ўша даврларда ҳаёт кечириш қийин бўлсада, отаонамиз мен, опам ва укамнинг илм ўрганишимиз учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қилганлар» дея хотирлайди Малика опа.

Малика Абдуллахўжаева йирик паталоганатом сифатида Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатларида трансплатацион иммунологияни ривожлантиришга асос солди. Тошкентда илмий амалий ишларни олиб борувчи республика Паталогик марказини ташкил этди. Бу илмий марказда эндиликда паталог олимларгина эмас, балки клиницистлар (акушер-гинекологлар, терапевтлар, хирург ва стоматологлар) шу соҳага оид долзарб ишларга қўл уришади, тажриба ва билимларини оширишади.

Олиманинг узоқ йиллик илмий фаолиятини яқиндан туриб ўрганган Алижон Зоҳидийнинг Малика опага бағишланган «Аллома аёл» китобида шундай дейилади: «... Таниқли олим — Халқаро Паталогия Академияси Президенти профессор Ф.Мастофиннинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга юборган мактубида қуйидаги сўзлар бор эди: «Мен профессор М.Абдуллахўжаевани 1978 йилдан бери биламан. У эришган юксак ютуқлардан ҳайратдаман. Малика Саматовнанинг илмий мақолалари Швейцария, Болгария, Италия, Белгия, Югославия каби давлатларда чоп этилган. У иқтидорли олима, салоҳиятли педагог, юксак малакали нотиқ, хориж давлатларининг олимлари орасида ўзининг алоҳида ҳурмати, иззат-обрўйига эга бўлган олимлардан биридир... »

Малика опа Ўзбекистонда паталоганатомларнинг ўзига хос мактабини яратди. У юртимизда беморларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган биоэтикага асос солди. Бу даргоҳ 2000 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги миллий этика қўмитасига айланди. МДҲ давлатлари биоэтика форумига ва Европа мамлакатлари форумига кирди. Академик олиманинг ташаббуси билан МДҲ давлатларида биринчи марта микроскопик телепатологиянинг телемедицинаси ташкил этилди. Эндиликда юртимизда туриб бошқа давлатлардаги ҳамкасабалари билан тиббиётдаги турли муаммолар хусусида мунозаралар юритиш қийин эмас! Олис йўллар яқин бўлди, кўнгиллар яқинлашди, тафаккур тафаккурга уланди. Зеро, фикр ва мақсадлар чегара билмайди! Ҳадемай Ўзбекистон ва Швейцария билан биргаликда «Клиник ва таълим телемедицина тармоғи»ни ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Сўнгги йилларда олима тиббиёт институтлари талабаларига мўлжалланган ўқув қўлланма — икки жилдлик «Одам паталогияси асослари» китобини ёзиб, нашр эттирди.

— Мақсадларимга эришганимдан бахтиёрман, — дейди Малика опа. — Ўғлим Шавкатжон докторлик диссертациясини ёқлаш арафасида, қизим Дилоромхон тиббиёт фанлари доктори. Набираларим менга завқ-шавқ бағишлайди. Ҳаётим давомида жуда кўп чет мамлакатларда бўлдим, жаҳон олимлари йиғилган катта аудиторияларда маърузалар ўқидим. Уч йил Женева соғлиқни сақлаш ташкилотининг илмий маслаҳатчиси бўлиб ишладим. Кўплаб миллат ва элат вакиллари билан юзма-юз суҳбатлашдим, уларга ўзбек деган буюк ва қудратли халқ борлигини фахр билан сўзлаб бердим! Илмга бўлган фидойилигим менга ҳурмат ва обрў келтирганидан қувонаман.

Ҳа, бу фидойилик нафақат илмга, балки мустақил Ватан тараққиёти учун ҳам хизмат қилмоқда. Шу жиҳатдан қараганда дунё таниган аллома, Ўзбекистон Қаҳрамони Малика Абдуллахўжаеванинг оламшумул хизматлари келгуси авлодларнинг ифтихорига айлангусидир.

Зеро, олимлар шуҳрати мангу қолади.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

## Эл эъзозлаган аёллар

***Устоз қалбидан таралган зиё шогирдлар кўнглини нурга тўлдиради. Маърифат гулшанидаги чечаклар умр дарахтининг навдаларига чирмашиб, палак ёзади.***

# ОҚСОҚОЛНИНГ АСАЛ ҚИЗИ



Асал опа ҳар бир ўқувчининг феъл-атворини яхши билади, уларнинг руҳияти, орзу-умидлари билан яшайди. Хулқи, ўқиши, яшаш шароити, оилавий аҳволи билан қизиқади.

Ҳар байрамда опанинг бағри гулларга тўлади. Ота-оналар, қўни-қўшни, шогирдлари, ҳатто ҳали мактабга қадам қўймаган болакайлар ҳам муаллимани қутлагани келишади. Опа уларнинг шодон чеҳраларига боқар экан, ногаҳон падари бузрукворини эслайди. Отасини Баҳром оқсоқол дейишарди. Нишон туманида обрўли кишилардан эди. Ана шу нуроний инсоннинг қизи чорвадорлар орасида биринчилар қаторида Қарши давлат педагогика институтининг биология факультетини битириб, муаллим бўлди. Уни илк бор дарсга кирганини кўриб отасининг боши осмонга етди.

— Халқнинг болаларига илму урфон берган, ҳақ йўлни кўрсатган кишиларга Оллоҳ икки дунё саодатини бахш этади. Ўқувчиларни ўз болангдек кўр, ота-онасининг ҳурматини жойига қўй, — дея қария фарзандига оқ фотиҳа берган эди ўшанда.

Йиллар ўтиб Асалой ҳам фарзанд кўрди. Ўғил-қизларини ўқитиб, элга қўшди. Умр йўлдоши Норбой Рўзиев билан бахтли ҳаёт кечириб, туманнинг фаол аёлларидан бирига айланди.

Асал Баҳромова фаолиятини ўзи ўқиган «Нишон» ўрта мактабида ўқитувчиликдан бошлади. Ҳайитгул Султонова, Шоди Қуллаев, Йўлдош Шерғозиев каби устозлари билан бирга ишлади. Марҳум Зиёд Туропов, Ҳасан Аминов, Хол Амирқулов сингари халқ таълими фидойиларининг ўгитларига амал қилди.

Билими ва маҳоратини ошириб, етук устоз бўлиб етишди. Мактаб педагогика жамоасига бошчилик қилди. Ҳамқишлоқлари ишонч билдириб, фуқаролар йиғини раислигига тавсия этдилар. Оқсоқол бобонинг севимли фарзанди ота касбини давом эттириб, ҳамқишлоқлари ташвишини ўзиники деб билди, қувончини баҳам кўрди.

Қарийб 50 йиллик тарихга эга бу илм масканидан фалсафа фанлари доктори, профессор Бердиқул Тўйчиев, тиббиёт фанлари номзоди Шерали Нурматов, қишлоқ хўжалиги фанлари номзодлари Суюн Бердиев, Нурали Жўраев, техника фанлари номзоди Нортўхта Полвонов каби олимлар етишиб чиққан.

Асалой 643 нафар ўқувчи билим олаётган, 60 нафар педагог меҳнат қилаётган катта жамоанинг ташкилотчи раҳбари. Равшан Хидиров, Дилфуза Остонқулова, Жаҳонгир Қосимов, Қаҳрамон Ражабов, Баҳодир Ҳамдамов, Клара Жўраева каби ёш муаллимларнинг жонкуяр мураббийи. Шароф Кенжаев, Бўри Норматов, Кичик Холиёрова, Саид Раҳимовдек кекса педагоглар билан бамаслаҳат иш тутиб, янги таълим стандартлари ва педагогик технологияларни жорий этишда ташкилотчи ва ташаббускор бўлаяпти.

Мактаб таълимини ривожлантиришнинг умуммиллий дастурига мувофиқ эски мактаб ўрнига 490 ўринли янги илм маскани қад кўтарди. Синфхоналари ва фан кабинетлари компьютерлаштирилган, ўқув жиҳозлари етарли. Ота-оналар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган.

Ёш авлодни ўз Ватани ва халқига муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этишда эришган муваффақиятлари учун Президентимиз Фармонига асосан Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги 2-мактаб директори Асал Баҳромова «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Юксак мукофот таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, ҳеч кимдан кам бўлмаган иқтидорли, билимли ёшларни вояга етказиш йўлида унга янгича куч-ғайрат бағишлаб, эзгу ишларга илҳомлантирмоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



**«Тошгузар - Бойсун - Қумқўрғон» темирйўл қурилишида амалга оширилаётган ишлар ҳар бир ўзбекистонликнинг онгу шуурига ғурур ва ифтихор бахш этди.**

**Замондошларимизнинг билак кучи, ғайрату шижоати ила бунёд этилаётган, аср қурилиши дея эътироф этилаётган бу йўллар келажак авлодларга боболардан буюк мерос бўлиб қолади.**

## Жараён

# ОЛИС МАНЗИЛЛАР ЧОРЛАГАНДА...

***Ярим тунда корхона диспетчери тажрибали ҳайдовчилар Аҳрор Остонов, Вячеслав Дарчиев, Рустам Самадов ва Яҳё Авезовларнинг уйларига қўнғироқ қилиб, навбатдаги сафарга отланишлари лозимлигини маълум қилди. Кўп ўтмай "навбатчи" машина уларни автокорхонага олиб келди.***

Бундай шошилинч рейсга сабаб — зарур ускуналар ва қурилиш материалларини зудлик билан конларга етказиш керак эди. Анжомлар машиналарга юкланди. Улар ҳайдовчилар учун тайёрлаб қўйилган шинам хоналарда бироз дам олгач, ҳужжатларини расмийлаштириб, эрта тонгдаёқ йўлга равона бўлдилар.

Узоқ йиллик тажрибага эга бўлган ҳайдовчиларни чорлаётган манзиллар эса Бухородан анча олисда. Мамлакатда йирик саналган ушбу нефт ва газ конларининг яқини 370 километр, узоғи эса салкам минг километр олисда жойлашган. Табиийки, бебаҳо бойлигимиз — ер ости конларининг аксарияти чўл ва даштликлар, тоғ ва тепаликларда. Уларга элтувчи йўлларнинг ҳамма қисми ҳам равон ёки асфальт бўлмай, юзлаб километри илон изи, эгри-бугри, ўнқир-чўнқирлардан иборат. Айнан ана шу ҳолатлар ҳайдовчидан юксак масъулият ва маҳорат, катта тажриба ва ўта ҳушёрликни талаб қилади. Чунки бу йўллардан юзлаб ишчи-хизматчилар автобусларда ташилади, юк машинасига ортилган махсус техника ёки ускуналар бир неча юз миллион сўмни ташкил этади. "Бухорогазсаноатқурилиш" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли Когондаги "Нефтгазавтотрансхизмат" унитар корхонаси жамоаси буни яхши тушунган ҳолда зиммасидаги вазифани уддалаб келаяпти.

Кўкдумалоқ, Шўртан, Ўртабулоқ, Кемачи, Умид, Газли, Учқир каби нефт ва газ конлари мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу конларни керакли техника ва технологик ускуналар, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш, қурилиш ва монтаж ашёларини ўз вақтида етказиб бериш, ишчи-мутахассисларни иш жойларига ҳамда уйларига етказишда автокорхона ҳайдовчиларининг хизмати катта бўлаяпти.

— Жамоамизда меҳнат қилаётган ҳайдовчиларни ҳеч иккиланмай ўз касбининг устаси дейиш мумкин, — дейди автокорхона директори Ғулом Ибрагимов. — Улар ҳар қандай шароитда ўз бурчларини бажараяптилар. Натижада корхонамизда белгиланган режа ва топшириқлар мунтазам бажарилмоқда. Бу эса иқтисодий-ижтимоий ривожланишни таъминлаяпти.

Халқимизда, қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деган мақол бор. Жамоада ҳам Амрилло Қурбонов, Раҳмат Шералиев, Амон Жабборов, Сайфиддин Файзуллаев сингари эл ҳурматига сазовор бўлган манзил лочинлари оз эмас. Улар ҳамиша машиналарини шай ҳолатда сақлаб, ҳар бир юмушни бекаму кўст амалга оширишаяпти. Муҳими, меҳнатга яраша манфаатдорлик ҳам бўлаяпти. Илғорлар сафида бораётган ҳайдовчиларнинг ўртача ойлик маоши 250-300 минг сўмга етмоқда.

Зуҳра Мухторова — корхона касаба уюшма қўмитаси раиси. У ишчи-хизматчиларнинг яқин ғамхўри ҳамдир. Жамоада олинаётган фойданинг асосий қисми меҳнаткашлар манфаатдорлигини ошириш, қулай дам олиш шароитларини яратиш, тез-тез кўнгилочар тадбирлар ва спорт мусобақаларини ўтказишга сарфланмоқда.

— Биз инсонга наф келтиришни олий бахт ҳисоблаймиз, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси З.Мухторова. — Раҳбарият билан келишилган ҳолда хайрли ва савоб ишларни давом эттираяпмиз. Жумладан, ёрдамга муҳтож собиқ ходимларимиз, нафақадор Анна Доронина ва ногирон Усмон Гадоевларнинг уйларини таъмирлаб бердик. 15 та кам таъминланган оила фарзандларини дарсликлар ва ўқув қуроллари билан таъминладик. Шаҳардаги 5-мактабга янги компьютер олиб берилди. Ободончилик ишларига баҳоли қудрат ёрдам бериб келаяпмиз. Бундай тадбирлар кўламини янада кенгайтириш чораларини кўряпмиз.

Аҳил ва иноқ жамоада иқтисодиётимиз ривожи, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ишларга ҳавас қилса арзийди.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**"Ишонч" мухбири**

## Устозлар ҳақида ҳикоялар

# БАҲОНИ ВАҚТ КЎРСАТАДИ

***Устоз... Улуғ ва мўътабар ном. Бу номга сазовор бўлмоқлик бахт. Бу номнинг салмоғини, залворини ҳис этган ҳолда зиммадаги масъулиятли вазифани адо этмоқлик шараф. Кўнглида инсон камолотини кўзлашдек улкан мақсад яшайди устознинг. Ана шундай устозлардан бири физика-математика фанлари номзоди, доцент Акром Аҳмедовдир. У ўз ҳаётини илм-фан ривожига, ёшларнинг билим олиши йўлидаги изланишларга бағишлаган инсон сифатида ҳурмат қозонган.***

Мактаб чоғиданоқ математика фанига бўлган қизиқиши боис Акром Аҳмедов Бутуниттифоқ олимпиадасида иштирок этиш бахтига муяссар бўлган эди. Орзулари уни Тошкент Давлат университети сари етаклади. 1978 йилда ушбу олий ўқув юртининг амалий математика ва механика факультетини аъло баҳолар блилан тамомлаган ёш йигит Ўзбекистон Фанлар Академияси Кибернитека институтида илмий ходим сифатида ўз фаолиятини бошлади. Унинг учун чинакам изланишлар даври бошланган эди. Мазкур институтнинг аспирантурасида таҳсилни давом эттириб, 1984 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Изланишларнинг самараси ўлароқ чет эл ва ҳамдўстлик мамлакатлари журналларида илмий мақолалари чоп этилди ва ихтирога муаллифлик гувоҳномасини олди.

Шундан сўнг ёш олим Тошкент Политехника институтининг самолётсозлик факультети олий математика кафедрасида доцент сифатида фаолиятини давом эттириб, талабаларга математика ва информатика фанларидан сабоқ берди. Ўша даврда амалий математика ва механиканинг илмий муаммолари устида олиб борилган изланишлар билан бир қаторда икки нафар шогирдининг номзодлик диссертациясини ёқлаши ҳам унинг муваффақиятли ва самарали меҳнатидан далолатдир.

Бундан ташқари Акром Аҳмедов лицей ўқувчилари ва талабаларига информатика ва компьютер тизимларида ахборотни ҳимоялаш фанларидан маъруза ўқиш билан бирга фойдаланувчилар учун "IBM-PC компьютери" ўқув қўлланмасини, ўқув юрти талабалари учун Олий таълим координация кенгаши томонидан тасдиқланган "Информатика. Ахборот технологиялари" ўқув қўлланмасини ҳаммуаллифликда ёзди. Унинг академик лицей ва касб-ҳунар коллежи талабалари учун ёзган Информатика дарслиги 2002 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда "Устоз" жамғармаси томонидан ўтказилган "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи" республика танловида ғолиб деб топилди. Тиниб-тинчимаган олим бугунги кунда касб-ҳунар коллежлари учун математика фанидан дарслик яратиш устида иш олиб бораяпти.

Айни пайтда Тошкент Давлат Авиация институти қошидаги махсус лицей директори лавозимида ишлаётган Акром Аҳмедов раҳбарлик салоҳияти ила ўз билим ва тажрибасини ёшларнинг пухта билим эгаллаши, келгусида етук шахс бўлиши йўлида сарфламоқда. 25 нафар ўқитувчидан иборат лицей жамоаси (уларнинг 9 нафари фан номзоди)нинг саъй-ҳаракати, меҳнатининг маҳсули ўлароқ битирувчиларнинг 80 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга кирмоқда. Иқтидорли ўқувчилар шаҳар ва республика миқёсидаги фан олимпиадаси ва симпозиумларда фахрли ўринларни эгалламоқда.

Лицейда ўқувчиларнинг илм-фан сирларини ўрганиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Компьютер ва лингафон хоналари замон талаблари асосида жиҳозланган. Ёшларнинг соғлом ва бақувват бўлиши жамият пойдеворининг мустаҳкамлигини таъминлайди. Шу боис лицейда спорт-соғломлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бокс, қиличбозлик каби бир қанча спорт тўгараклари ишлаб турибди. Заковат клуби, авиамоделизм, парашютчилар ва учувчилар тўгараклари ҳамиша ўқувчилар билан гавжум.

— Ўқувчининг машғулотга фаол қатнашиши, турли олимпиадалару танловларда муваффақият қозониши ўқитувчи учун куч-ғайрат маҳсули бўлиб, уни янги манзиллар сари чорлайди, — дейди биз билан суҳбатда Акром Аҳмедов. — 200 нафар ўқувчига сабоқ бераётган лицей жамоаси ҳам доимо юксак чўққиларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Аслида алоҳида олинган фан йўқ. Физика, математика, информатика, она тили ва адабиёти, чет тили, авиасозлик, ракетасозликка кириш каби фанларнинг ҳар бири ўзгача олам. Фақат ўқувчини жалб этиб, дарсларни тўла, кенг қамровли, ноанъанавий тарзда олиб бориш керак, холос. Шунинг учун ўқитувчидан нафақат билим, балки қобилият, иқтидор ҳам талаб этилади. Ҳар қандай вазиятда ўқитувчи ўқувчини мақсад сари йўналтира олиши керак. Зеро, устозлар тажрибаси, шогирднинг қизиқиши муштарак бўлгандагина мақсадга эришилади.

Турли кўрик-танловларни ривожлантириш асносида ўқувчиларнинг қобилияти, дунёқараши юксалади. Бунинг учун болалар диққат-эътиборини тортадиган, уларни ижодкорликка ундайдиган мавзуларни танлаш керак. Шунда ўқувчи вақтини фойдали машғулотга сарфлайди. Ёш авлоднинг келажаги учун барчамиз масъул эканлигимизни англаган ҳолда меҳнат қилсак нафақат ўқитувчилик, балки жамият олдидаги инсонийлик бурчимизни ҳам адо этган бўламиз.

Меҳнаткаш, меҳрибон устоз Акром Аҳмедовнинг ходимлар билан ишлаш усули ўзига хос эди.

— Раҳбар билан ходимлар ўртасидаги муносабатнинг мутаносиблиги бевосита ишнинг унумига туртки бўлади. Бундан ташқари, жамоанинг аҳиллигию меҳнатида раҳбар обрўси намоён бўлади, — дейди у. — Энг муҳими, устоз, мураббий меҳнатини юзага чиқариш бир кишининг иши эмас. Бу номга фақат ва фақат меҳнат орқали эришиш мумкин. Ўқитувчининг меҳнатига холис баҳони вақт кўрсатишини инобатга оладиган бўлсак, унинг нақадар шарафли ва машаққатли касб эканини англаб етиш осон кечади.

Талабчан раҳбар, ғамхўр инсон, камтарин устоз Акром Аҳмедовдан сабоқ олган шогирдлар бугун турли соҳаларда фаолият кўрсатиб, халққа нафи тегмоқда. Бу эса устоз кўнглига ғурур бахш этиб, уни янада кўпроқ меҳнат қилишга, изланишга ундаётир.

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА,**
**«Ишонч» мухбири**

## Мухбир иш бошлади

***«...Шаҳар бозори Чорчинор маҳалласининг қоқ ўртасида жойлашган. Олис мамлакатларнинг савдо карвонлари Буюк Ипак йўлидаги Марғилон бозорига қўниб кетганлар. Маҳалла гузари карвонсаройлар, мол сотиш ва алмаштириш марказларидан бири бўлган. Бозор ёнида мачитлар, мадрасалар, корхоналар, ҳаммом, темирчилик, тақачилик устахоналари мавжуд эди...»***

# АЗИМ ДАРЁ

Тарихимиз билимдони, Бурҳониддин Марғиноний жамғармаси раиси Ўктамжон Эшонбобоевнинг Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйига бағишланган асарининг Чорчинор маҳалласи қадим кўриниши тасвирланган қисми шундай бошланади.

Ҳа, бу Марғилоннинг, эртакнамо шарқ жавоҳирининг неча юз йиллар аввалги жамоли эди... Худди ана шу шаҳар маҳаллаларидан бирида Кумуш туғилган. Куни келиб шу маҳалладан от-арава чанг кўтариб Тошкентга йўл олган... Яқин-яқинларда ҳам шаҳарнинг эски кўчаларига қадам қўйсангиз, ўзингизни минг бир кеча эртакларида юргандай ҳис қилардингиз. Тор жин кўчаларга лоф бўлмаса «бир ярим киши» зўрға сиғарди. Марғилон Кумушлари шу жин кўчаларда отлар туёқларининг тақиллашини санаб, дўппи тикиб, атлас тўқишган. Шаҳар тарихига бир назар ташласак. 1994 — 1999 йиллар давомида Ўзбекистон Фанлар академияси Яҳё Ғуломов номли археология институтининг Марғилонсой ҳавзасида олиб борган археологик қазилмалари натижаси шуни кўрсатдики, Марғилонсойнинг ўнг соҳилида милоддан аввалги X асрдан бошлаб суғорма деҳқончилик шаклланган. Симтепа ёдгорлигининг қуйи қатлами эса эрамиздан аввалги IV — III асрлар билан даврлаштирилади. Суғорма деҳқончилик милоддан аввалги IX асрда бошланган, Марғилонсой соҳили бўйлаб юзлаб гектар ерлар ўзлаштирилган. Милоддан аввалги I ва милодий I асрлар оралиғида интенсив сунъий суғорма деҳқончилик билан шуғулланиш Марғилонсой ҳавзасининг ўрта ва қуйи оқимларини тўлиқ қамраб олади. Ана шу даврда, яъни бундан икки минг йил аввал Машҳад маҳалласи ҳудудида 20 гектардан зиёд майдонни эгаллаган шаҳар пайдо бўлди. Шаҳарнинг арки ва мудофаа деворлари вақт ўтиши билан бузилиб кетган. Милодий IX — X асрларга келиб шаҳар номи Марғинон кўринишида ёзма манбаларда учрай бошлайди (Истахрий, Муқаддасий). XI асрдан бошлаб зарб қилинган тангалар Марғилоннинг Фарғона водийси ҳаётида муҳим рол ўйнаганидан далолат беради. Шу даврда жанубий Фарғонанинг Сўх минтақасида тоғкон саноати ривожланиши натижасида Буюк Ипак йўлининг Жанубий Фарғона орқали ўтган тармоғи Сўх, Ҳайдаркон, Водил орқали Марғилонга келган.

Буюк Ипак йўлининг Марғилондан ўтиши туфайли шаҳар тез ривожланди.






У XII асрга келиб ҳозирги Марғилон шаҳрининг асосий қисмини эгаллаган эди. Темур ва темурийлар даври ҳамда сўнгги асрларда ҳам Марғилон Фарғона водийсининг йирик шаҳарларидан бири бўлиб қолаверди. Жумладан, «Бобурнома»да Марғилон Фарғонадаги 8 та шаҳардан бири эканлиги таъкидланади. Уни «Донаи калон» деб аталувчи анори ва «Субҳоний» навли ўриги мақталган. Сўнгги асрларда Марғилон Қўқон хонлиги таркибида бўлган. 1875 йили эса рус қўшинлари томонидан босиб олинган.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг эса Марғилон кўркига кўрк қўшилиб бормоқда. У улкан қурилиш майдонига айланди. Замонавий коллежлар, завод-фабрикалар, кенг ва равон йўллар, кўприклар, хиёбонлар қурилди. Шаҳарнинг 2000 йиллик тўйини муносиб нишонлашга барча бирдек киришган. Марғилонлик қурувчилар кейинги бир йил ичида шаҳар қиёфасини шу даражада ўзгартириб юборишдики, узоқроқ сафардан қайтган одам бу ерда адашиб қолиши ҳеч гап эмас. Айниқса, ўтмишни жуда эъзозлайдиган ҳатто мустабид шўро тузуми даврида ҳам масжиду мадрасаларни, мақбараларни турли баҳоналар билан асраб келган Марғилон аҳли учун қадимий обидаларни реконструкция қилиш, қайта тиклаш, янгидан қуриш айни кўнгилдаги иш эди.





Бугунги кунда шаҳар бўйича 35 та иншоотда қурилиш-ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Булар орасида Пир Сиддиқ мажмуи, Улуғ мозор зиёратгоҳи, Жаҳон отин Увайсий мақбараси ва уй музейи биноларини чинакам диққатга сазовор бунёдкорлик ишлари деб айтса бўлади. Бу каби кенг кўламли бунёдкорлик ишлари Марғилоннинг ўзига хос қиёфасини яратишда катта аҳамият касб этиб, келгусида шаҳарда туризмни ривожлантиришга имконият яратади.

Президентимиз Ислом Каримов Фарғона вилоятига қилган сафари чоғида Марғилон шаҳрида ҳам бўлиб, яқинлашиб келаётган 2000 йиллик тўй нафақат марғилонликлар, балки бутун Ўзбекистон учун муҳим сана эканлигини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари тайёргарлик ишлари билан танишар экан, яқиндагина қурилиши тамомланган 360 ўринли тиббиёт коллежи талаба ва ўқитувчилари билан суҳбатда бўлди. Талабаларнинг ўқиш ва дам олишлари учун ётоқхона барпо этиш кераклигини таъкидлади. Шунингдек, Президент 40 дан зиёд оилага мўлжаллаб қурилаётган шинам турар-жой биноларини ҳам бориб кўрди ва бу каби хайрли ишларни тез-тез қилиб туриш кераклигини айтди.

Қурилиши давом этаётган Жаҳон отин Увайсий музейи рўпарасида ўйга толганича турган шоир Исмоил Маҳмуд билан учрашиб қолдик.

Исмоил ака шу шаҳар учун ўз меҳнатларини аямай, устозлар йўлини тутган шоирларимиздан. У Марғилон ва унинг атрофидаги туманларда улғаяётган ёш истеъдодларни тарбиялаш, уларга ёрдам бериш учун Жаҳон отин Увайсий номли шеърий тўгарагини ташкил қилган.

— Тўгарагимизда кўплаб ёш ижодкорлар қалам тебратмоқда, — гап бошлайди Исмоил ака. — Шоираларимизнинг ўнга яқин тўпламлари ўқувчилар қўлига теккан. Жумладан Зулфия номидаги давлат мукофоти лауреати Наргиза Охунованинг «Меҳр», ёш шоира Зумрад Ваҳобованинг «Оқ ёмғирлар», Ўлмас Нишонованинг «Муҳаббат бекати», Назира Максуднинг «Хаёл кўчкилари» шеърий тўпламлари мухлисларда катта қизиқиш уйғотди.

**Улуғбек ИБОДИНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## 21 октябр — Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган кун

***Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилингандан кейин ўтган давр мобайнида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Давр талабига асосан бу йўналишдаги фаолият изчил равишда такомиллашди.***

# ОНА ТИЛИМИЗ МАВҚЕИГА ПУТУР ЕТМАСИН

Ҳар қандай қонун ижроси таъминлангандагина фаолият доираси кенгаяди, жамият аъзолари унинг бажарилиши учун жон куйдиргандагина қандайдир натижага эришиш мумкин. Шундагина қонун фуқароларнинг амалга ошириши лозим бўлган кундалик эҳтиёжига айланади. Бу фикрлар тил ҳақидаги қонунга ҳам тааллуқлидир.

Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш учун олдимизда қандай вазифалар турибди? Бизга қонун қандай сабоқлар берди? Қонуннинг барча моддалари бажариляптими?

Мустақиллик йилларида ўзбек тилининг амал қилиш да унинг ўрнини ҳар хил ўйлаб топилган сўзлар, терминлар, атамалар эгаллайди. Бунга мисол тариқасида ўтган асрнинг 90-йиллар бошларида тилимизга мажбурлаб киритилган тайёрагоҳ, куллиёт, рўзнома, ойнома каби сўзларни ҳозир ҳам қўллаш ҳоллари учрайди. Кундалик муомаладан мустаҳкам ўрин олган, барча тан олган сўзларгина меъёрга айланишини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма нутқ бўлсин, тилимизнинг софлигини сақлашга интилишимиз лозим.

Адабий тил қоидасига риоя қилиш, тилимизнинг бойитилиши ва такомиллашу доираси кенгайди. Унинг ижтимоий вазифаси ошди. Она тилимиз ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кириб борди. Корхона-ташкилот ва муассасаларда расмий ҳужжатлар, машғулотлар давлат тилида олиб борилмоқда, оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, кино, радио, телевидение фаолиятида давлат тили ўз имкониятларини намоён қилмоқда. Шу билан бирга, тилимизнинг мавқеини янада ошириш, фаолият доирасини кенгайтириш, унинг софлигини сақлаш, келгусида янада такомиллаштириш, оғзаки ва ёзма нутқда тил меъёрларига риоя қилиш масалаларида ҳануз амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ўз ечимини кутмоқда.

Хусусан, амалдаги имло ва талаффуз қоидалари, меъёрларига риоя қилинмаётир. Олий ва ўрта махсус, умумтаълим мактаблари, радио ва телевидениеда тилнинг талаффуз меъёрларидан чиқиш ҳолатлари кузатилаётгани, айниқса, кишини таажжубга солади. Ҳолбуки, бу муассасалар она тилимиз қоидаларига қатъий амал қилишлари шарт. Таъкидланган камчиликларга барҳам бериш учун мактабдан олий ўқув юртларигача уларнинг ҳар бири учун ягона имло ва нутқ режими ишлаб чиқилиб, унга амал қилиш ҳар биримизнинг кундалик ишимизга айланмоғи керак. Асоссиз равишда маҳаллий шева унсурларининг қўлланилиши ачинарли ҳолдир. Бу адабий тилимизнинг фаолият доирасини қисқартиради. Унинг мавқеига путур етказади.

Адабий тилнинг қабул қилинган, ҳамма томондан тан олинган меъёрларига амал қилишда ҳам қатор муаммолар бор. Тилимиз адабий тил даражасига кўтарилгандан буён оғзаки ва ёзма нутқда ягона меъёрларга амал қилинади. Бунга эътибор берилмаган жой-вини таъминлаш, шунингдек, ҳамма эътироф қилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этишнинг аҳамияти каттадир. Бу ҳақда қонуннинг 7-моддаси 2-бандида алоҳида таъкидланган. Ҳар қандай тил ички ва ташқи имкониятлар асосида бойийди, такомиллашади. Ташқи имкониятга бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш, қабул қилиш киради. Ички ресурс деганда маҳаллий шевадаги сўзлар назарда тутилади. Биз жамиятнинг сиёсий, ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган янгиланишларни ифодалаш учун кўпроқ эскириб, истеъмолдан чиқиб кетган форсча, арабча ва ҳатто туркча сўзларни яна жонлантиришга ҳаракат қилдик. Бу тилимиздаги меъёрни белгилашда ҳар хил иккиланишларни юзага келтирди. Аммо халқимизга асрлар давомида ўзаро алоқа воситаси бўлиб келган, битмас-туганмас хазина ҳисобланадиган маҳаллий шеваллардаги адабий тилга мос келадиган, унда муқобили бўлмаган сўзларга беписандлик қилиб, адабий тилимизга дадиллик билан олиб кирмадик. Ҳолбуки, биз маҳаллий шевалардан адабий тилимизга ўзлашган кўпгина сўзларни яхши биламиз. Чунончи, шу пайтгача адабий тилимизда шевалардаги сарҳум, диғириқ, рош, кўлча, дагиш, барак каби сўзларнинг муқобиллари мавжуд эмас. Диғириқ сўзининг ҳалқа кўча, айланма кўча, боши берк кўча; сарҳумнинг эса кружка; рошнинг қирғоқ каби сўзлар билан ифодаланиши давом этиб келмоқда. Шеваларнинг минтақавий луғатларини тузиш масаласи таниқли тилшунослар томонидан илгари сурилганлигига анча бўлди. Аммо бу борада ҳануз бирор ўзгариш бўлмаяпти.

Шевага хос сўзлар — диалектизмнинг бадиий асарларда ишлатилиши бундай сўзларнинг адабий тилимизга ўзлашиши учун катта имконият ҳисобланади. Хоразмлик адиблар — Омон Матжон, Эркин Мадраҳимов, Матназар Абдулҳакимларнинг ижодида шевага хос шундай сўзлар ишлатиляптики, уларни илмий тадқиқ қилиш, муқобилларини иккиланмасдан адабий тилимизга олиб кириш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирда оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган айрим журналистлар ўз чиқишларида истаган сўз-атамани қўлламоқда. Бу адабий тил меъёрларига зид келади. Бундай камчиликларни бартараф қилиш чоралари тил ҳақидаги қонунда ўз аксини топган. Бунинг учун ҳамма эътироф қилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш кераклиги алоҳида таъкидланган. Муомалага кириб келаётган янги сўзларнинг қай бирини нормага айлантириш ёки айлантирмаслик мумкинлиги ҳақида жиддий бош қотириш лозим. Шошма-шошарлик ёки ўзибўларчилик билан мақсадга эришиш амри маҳол. Бошқача айтганда, лоқайдлик ва бошбошдоқлик аждодларимиздан бой мерос сифатида бизга қолган адабий тилимизни тўлалигича сақлаб, авлодларга етказишни анча қийинлаштиради.

Қонуннинг 24-моддасида «Ўзбекистон Республикасида давлат тили ёки бошқа тилларга менсимай ёхуд хусумат билан қараш тақиқланади» дейилади. Аммо шу пайтгача давлат тилига менсимай қараган бирон кишига нисбатан чора кўрилганини эслай олмаймиз.

Олий ўқув юртларининг нофилологик факультетларида бир пайтлар ўқитиладиган ўзбек тили фани бугунги кунда ўқув режаларидан олиб ташланди. Натижада талабаларнинг ўрта мактабда ўзбек тилидан олган билимлари ҳам эсдан чиқиб, улар оддий меъёрий, расмий ҳужжатларни ҳам давлат тилида ёза олмайдиган даражага бориб қолдилар. Демак, давлат тилини фақат ўрта мактабда ўқитиш билан чекланиб қолмасдан, уни олий ўқув юртларида давом эттириб, ҳеч бўлмаганда «Давлат тилида иш юритиш» ва «Адабий норма ва нутқ маданияти» фанларини ўқитиш кераклиги давр талаби бўлиб қолмоқда.

Муаммоларни ҳал қилишда барчамиз ҳамкорликда ҳаракат қилсак, тил ҳақидаги қонуннинг бажарилишига ҳиссамизни қўшган бўламиз.

**Рўзимбой ЙЎЛДОШЕВ,**
**УрДУ қошидаги минтақавий тил маркази директори, филология фанлари номзоди**

## Қилмиш-қидирмиш

***Бу йўлдан кетганлар феъли маълум. Айникса, мол бозорида ўзларини пири-муршиддек ҳис этишади. Уларнинг иштирокисиз иш битириш амри маҳолдек. Аксарият даллолларда алоҳида истеъдод бор. Гапингизни оғзингизда қолдириб, елкангизга уриб-уриб ишини битиради. Сирдарё вилоят судининг судьяси Ҳасан Ҳалимов ҳам ана шуларга ҳавас қилиб қолди. Даллолликни орзу қилган қози тез орада фош бўлди. Воқеа шундай бўлган эди.***

# ДАЛЛОЛ

### ёхуд ана шу йўл билан мўмай даромад орттириш илинжида бўлган қози ҳақида

Сулаймоновлар бўлиб ўтган ҳодисалардан гангиб қолишди. Сирдарё вилоят ИИБ да катта тезкор ходим вазифасида ишлаб юрган Актам Сулаймонов 2005 йилнинг 6 апрел куни машинасида 19 грамм гиёҳвандлик моддаси билан қўлга олинди. Жигарчиликда, акаси Акбар Сулаймонов укасининг мушкулини осон қилишни кўп ўйлади. Тергов ҳибсхонасидаги учрашувлардан бирида укаси Ҳасан Ҳалимов деган судьянинг номини тилга олиб, ўз тақдирини билиб беришини сўрайди. Вилоят судига келган Акбар Сулаймонов Ҳасанни топади ва омонат гапни етказади. Судья бир-икки кундан кейин келиб учрашинг, дейди.

Ваъдалашилган куни Акбар Сулаймонов судьянинг қўл телефонига уланади. Учрашув жойи белгиланади. Илк учрашув судьянинг укаси хонадонида кечади. У жиноят иши тафсилотлари-ю, оқибатини ҳуқуқшунос сифатида тушунтиради. Агар суд ишига аралашса, муайян енгилликлар бўлишини қистириб ўтади. Акс ҳолда... Айни чоғда жиноят иши кўриб чиқишлик учун вилоят суди судьяси Иброҳим Ҳабибуллаев иш юритувида эканлигини таъкидлайди. Акбар Сулаймоновнинг қўйнига қўл солди. Хайрлашар чоғида «биз аралашсак нима бўлади, Иброҳим Ҳабибуллаевга нима деб ваъда берай» дея ўсмоқчилайди. «Хизматга шаймиз», дейди қўлини кўксига қўйиб Акбар Сулаймонов. Яна икки кун ўтгач, Сулаймонов Ҳасан Ҳалимовга қўнғироқ қилганида, тезда етиб келинг, деган жавобни олади. Бу галги учрашув ҳам Ҳасаннинг укаси Ҳусан Ҳалимов хонадонида кечади. Суҳбатда судья терговда қандай айб қўйилган бўлса, ана шу айб бўйича ҳукм чиқишини таъкидлайди. Агар 10.000 АҚШ доллари берса, жазони 8 йил қилиб камайтириб бериш мумкинлигини айтади. Бундан гангиб қолган Сулаймонов агар ўн минг кўкини бермасам укамни «отармиди» дея ғазабланади. Ҳасан Ҳалимов уни тинчлантириб, 8 йил жазо берилса жазони умумий колонияларда ўташ белгиланишини, амнистия бўлса 1 йилда чиқиб келишини айтган. Ҳасан бор маҳоратини ишга солиб, уни пора беришга ундайди. Акс ҳолда укаси 14-15 йилга қамалиб кетади. Боши қотган Акбар Сулаймонов бунча маблағни топа олмагач, Сирдарё вилоят МХХ бошқармасига мурожаат этади. 2005 йил 2 август куни Акбар Сулаймонов даллолга қўнғироқ қилиб пулни беришга тайёрлигини билдиради. Ҳасан уни яна укаси Ҳусаннинг уйига таклиф этади. Ўртага тушгани учун 1000 АҚШ доллари олишга келишади. 5 август куни Гулистон шаҳрининг Тинчлик кўчасидаги 106-уйнинг 1-хонадонида кукун билан ишланган долларларни пора шаклида олаётган судья Ҳасан Ҳалимов жиноят устида ашёвий далил билан ушланади.

Гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Сирдарё вилоят судининг судьяси Иброҳим Ҳабибуллаев мазкур ишдан мутлақо хабарсиз эканлигини, Ҳасан Ҳалимов орқали судланувчининг ишини енгиллаштиришни ваъда қилиб пора сўрамаганлигини айтади. Акбар Сулаймоновнинг суд иши юритилаётганда, судья Иброҳим Ҳабибуллаев суд мажлисида уни четкага чиқариб, «Ҳасаннинг айтганини қилинг» деган даъвоси ўз асосини топмади.

Жиноят ишини адолатли тарзда кўриб чиққан Тошкент вилоят суди «даллол» қилмишига муносиб баҳо берди. Бир фуқарони алдаш ва паст ниятларда бойлик орттириш илинжида бўлган Ҳасан Ҳалимов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан айбли деб топилди. Унга 10 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Ҳасан Ҳалимов айни навқирон 37 ёшда. Ҳали ҳуқуқ-тартибот оламида ўзини кўрсатиши, адолат тарозусини тўғри ушлаши керак эди. Таассуфки, балои нафс уни йўлдан урди. Одил ҳакамлик шаънига доғ туширди. Менинг нафсим балодир, ёнар ўтга соладир, деганлари шу бўлса керак.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай.*

**ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ**

* * *

*Тарбия уч нарсага эҳтиёж сезади, истеъдодга, илмга, машққа.*

**АРАСТУ**


## «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2006 йил 16, 23, 30 ноябр ва 7 декабр кунлари соат 11:00 дан Республика Кўмас мулк биржасининг биносида, объектнинг бошланғич баҳоси қадам ба қадам ошиши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган «Ўзбектўқимаш» ИЧБ балансидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

1. ЗИЛ-ММЗ-4502 русумли, д/р 47-74 ТНА, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, **бошланғич баҳоси — 2 186 600 сўм;**
2. Авт.КАВЗ-3271 русумли, д/р 32-48 ТНБ, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, **бошланғич баҳоси —2 051 600 сўм;**
3. ЗИЛ-431416 русумли, д/р 69-87 ТНМ, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, **бошланғич баҳоси — 2 186 600 сўм;**
4. ЗИЛ-4314 русумли, д/р 98-38 ТНБ, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, **бошланғич баҳоси — 2 186 600 сўм;**
5. Авт.ПАЗ-3205 русумли, д/р 32-31 ТНБ, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, **бошланғич баҳоси -1 889 600 сўм;**
6. Авт.КАВЗ-3271 русумли, д/р 32-47 ТНБ, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, **бошланғич баҳоси — 2 051 600 сўм;**
7. Авт.ПАЗ-672М русумли, д/р 30-54 ТНМ, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, **бошланғич баҳоси — 1 459 300 сўм;**
8. ЗИЛ-431412 русумли, д/р 38-73 ТНН, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, **бошланғич баҳоси — 2 272 300 сўм;**
9. ЗИЛ-431410 русумли, д/р 08-96 ТНБ, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, **бошланғич баҳоси — 2 186 600 сўм;**
10. ЗИЛ-ММЗ-4502 русумли, д/р 08-12 ТНБ, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, **бошланғич баҳоси — 2 186 600 сўм;**
11. КАМАЗ-54112 русумли, д/р 77-55 ТНМ, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, **бошланғич баҳоси — 5 562 100 сўм;**
12. КАМАЗ-54112 русумли, д/р 77-54 ТНМ, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, **бошланғич баҳоси — 5 562 100 сўм;**
13. КАМАЗ-43101 русумли, д/р 35-69 ТНБ, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, **бошланғич баҳоси — 4 567 400 сўм;**
14. ЗИЛ-ММЗ-45021 русумли, д/р 53-57 ТНБ, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, **бошланғич баҳоси — 2 186 600 сўм;**
15. Авт.ЛАЗ-695Н русумли, д/р 97-13 ТНА, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, **бошланғич баҳоси — 7 353 500 сўм.**

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули **«KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»**нинг Ўзбекистон Республикаси Миллий банкнинг Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000304265383003, КОД-00876, СТИР 204563716 ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар учун **«KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»**га мурожаат қилишингиз мумкин.

***Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўрозбоев кўчаси, 1«А»-уй, Республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона. Маълумот учун телефон: 399-80-23***


Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгашининг Деҳқонобод тумани бўйича вакили

**Абдуқодир АШУРОВ**нинг

вафоти муносабати билан яқинлари ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади


БОШ МУҲАРРИР
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шавкат Абдуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият
153-52-78

Бўлимлар
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Ғ.Юсупов
Навбатчи - А.Юнусов
Мусаҳҳиҳ - Н.Юлдошев

Саҳифаловчи-дизайнер: А.Абдуллаев ва Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 19.30

Буюртма Г— 1215

Тиражи: 7553


МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси